Hunarni yoshlik chog‘idanoq o‘rganishning foydalari va ahamiyatini chuqur anglab yetgan muallif farzandiga uni qunt bilan egallashi zarurligini aytadi. Bejizga,

[15] O‘sha asar 22-29 b.

hunarsiz aqlni boshsizga tanga qiyoslamaydi, zero farzand hunardan, ilmdan bebahra, vaqtini turli xil keraksiz yumushlar bilan o‘tkazar ekan, kun kelib umrini muhtojlikda o‘tkazishga majbur bo‘ladi. Aqlli, tadbirkor farzand o‘z hunari bilan el orasida hurmat qozonadi, oila faravonligini ta’minlaydi. Farzand qanchalik ko‘p hunar o‘rganishga, uni amalda qo‘llashga ishtiyoqmand bo‘lsa, uni bu yo‘ldan qaytarmaslik, doimo qo‘llab-quvvatlash zarur. Chunki, bu hunarlar unga hayotdagi turli sinov va mashaqqatlardan qiyinchiliksiz o‘tishiga sabab bo‘ladi. Shuningdek, Kaykovus farzandiga hech qachon nasl-nasabi bilan fahrlanmaslik, ilm-hunar o‘rganishni hech qachon ortga surmaslikni ta‘kidlaydi. Ilm-hunar bilan inson yuksaklarga ko‘tariladi, nasl-nasab esa ota-ona, ajdodlarga tegishlidir. Bulardan birinchisiga mehnat va mashaqqatlar orqali erishiladi, ikkinchisi esa meros bo‘lib o‘tadi. Ilm-hunardan ko‘ra, nasab va obro‘ni yo‘qotish tezroqdir, shuning uchun ham bulardan ikkinchisiga ko‘p ham ko‘ngil qo‘ymaslik maqsadga muvofiqdir.

Hech birimizga sir emaski inson sog‘ligi uchun eng zararli ichimliklar bu mast qiluvchi ichimliklar hisoblanadi. Qadimda uzumdan sharob va shunga o‘xshash ichimliklar tayyorlanib iste’mol qilingan, albatta ularning iste’moli o‘zining salbiy oqibatlarini ko‘rsatmasdan qolmagan. Buni to‘g‘ri tushunib yetgan Kaykovus asarda “Sharob ichmak zikrida” deb nomlangan alohida bobida farzandiga nasihatlar qiladi: “Ey farzand, bilg‘ilki, senga sharob ich deb aytmasman, ammo ichma deb ham aytmasman, negaki, yosh yigitlar qari kishining so‘zi bila yigitlik vaqtining ishlarin tark qilmaslar. Lekin, sen yosh yigitdirsan, hariflar (ulfatlar) senga sharob ichirmay qo‘ymas, men buni aniq bilaman. Ey farzand, agar sharob ichmasang ikki jahon foydasini topg‘ungdur: Haq Taoloning xushnudlig‘in hosil qilg‘ungdur va xalqning malomatidan qutulg‘ungdir, men ham seni o‘zimga nihoyatsiz do‘st tutg‘umdir. Sharobxo‘rlarning hosili narsadur: yo bemorlik yoki devonalik. Bir hafta sharob ichmakdan xorig‘on dimog‘ing, tomirlaring, ko‘zing, aqling, nafasing va ruhing osudalig‘ topar. Yana molingga tavfir (orttirish) bo‘lur va xalq sen haqingda yaxshi so‘zin ayturlar. Demak, bundog‘ foydali ishni odat qilmoq kerakdur”.[16]

Chindan ham bu ichimliklarni doimiy tarzda iste’mol qilish, inson salomatligiga jiddiy zarar yetkazadi, oilani qiyin ahvolga solib qo‘yadi. Kaykovus farzandiga atigi bir hafta sharob iste’mol qilmaslik ham uning jismiga, ham ruhiga, ham molu-davlatiga foydali bo‘lishini aytadi. Shu bilan bir qatorda Yaratganning roziligiga va xalqning turli malomatlaridan qutilishini, u haqida yaxshi so‘zlar aytilishini nasihat qiladi. Bu ishlarni odat qilish farzand kelajagini ijobiy bo‘lishini ta’minlaydi.

Farzandiga nafaqat ilm, hunar o‘rgatish, yomon odatlardan saqlash, shuningdek, uning jismonan yetuk bo‘lishini ham ta’minlash zarur. Kaykovus yashagan milodiy XI asrda yigitlarga yoshlik chog‘idanoq kurash tushish, otda yurish, qilichbozlik, kamondan o‘q uzish, nayza uloqtirish o‘rgatilgan. Bu bilan bir tomondan ularning

[16] O‘sha asar 64-67 b.

jismoniy holati yaxshilashga e’tibor qaratilgan bo‘lsa, ikkinchi tomondan oilasi va Vatanini himoya qila olish ko‘zda tutilgan. Harbiy o‘yinlar ularni chiniqtirshda muhim ahamiyatga ega bo‘lgan. Shunday o‘yinlardan biri Sharq xalqlarida keng tarqalgan – chavgon hisoblanadi. Bu o‘yin haqida asarda quyidagicha fikrlar bildiriladi: – “Ey farzand, agar chavgon o‘ynamoq tilasang goh-goh o‘ynag‘il, ammo hamma vaqt o‘ynamoqni odat qilmag‘ilki, ko‘p kishilar bu ishda ko‘p balolarga uchrabdurlar. Ko‘p otlig‘ bilan bila chiqib izdihom (to‘da, olomon) qilmag‘ilkim, sakkiz otliqdin ziyoda bo‘lishiga hojat yo‘q.” Chavgon o‘ynash jarayonida to‘pning ko‘zga yoki boshqa bir tana a’zosiga zarb bilan tegishi inson salomatligi uchun havfli bo‘lishi mumkin. Aynan shu omillarni hisobga olgan muallif farzandiga bu o‘yin bilan ba’zan shug‘ullanishni, ammo doimiy tarzda o‘ynamaslikni maslahat beradi. Chunki ko‘p otliqlar orasiga kirganda jarohat olish ehtimoli ortadi. Ammo, jang maydoniga kirganda hech qachon o‘zini o‘ylamaslikni Kaykovus farzandiga uqtiradi: – “Ey farzand, bilg‘ilki, urushda darang (asta-sekinlik), sustlik maqbul emasdur. Chunki urush maydoniga kirsang, hargiz taqsir (kamchilik) ko‘rguzmag‘il va joningga rahm qilmag‘il. Ma’rakada (urush maydoni) harakat qilib ilgari qadam qo‘ya olmasang ham, ammo bir qadamni keyin qo‘ymag‘il, chunki dushman o‘rtasiga tushsang, urushdan aslo ilgari chiqmag‘il. Qisqa qilich bahodirlarning qo‘li birla uzun bo‘lur”. Urush maydonida yov bilan yuzma-yuz kelganda ortga chekinmaslik, mardlik va jasorat ko‘rsatish kerakligini Kaykovus farzandiga ta’kidlab, bu boshqa safdoshlari uchun ham namuna bo‘lishini, g‘alabaning asosiy kaliti ekanligini yozib qoldiradi. Oilasi, millati, yurti himoyasiga tayyor bo‘lgan har bir o‘g‘lon bu so‘zlarni yodida saqlashi shart.

“Qobusnoma” ning so‘nggi bobi – “Juvonmardlik zikrida” deb nomlanib, bunga eng munosib ta’rifni muallif quyidagicha beradi: – “Odam uch xil sifatga egadur. Barcha shaxs u xoh dono, xoh nodon bo‘lsun, shu narsa bilan xushnuddir… Bu uch narsaning biri aql, biri rostlik va biri juvonmardlikdir. Juvonmardlik asli uch narsadur: biri ulkim, aytg‘on so‘zingni o‘zing qilsang, ikkinchisi ulkim, rostlikka xilof qilmasang, uchinchisi ulki, xayr ishini ilgari tutsang. Agar oqil bo‘lmoq tilasang, hikmat o‘rgang‘il, aql hikmat bila kamolga yetur”. Qaysiki kishi bu sifatlarga ega bo‘lsa u xalq orasida hurmatga va ishonchga sazovor bo‘lishi shubhasizdir. Aynan shu hislatlarni Kaykovus o‘z farzandida mujassam bo‘lishini istaydi va nasihatlar qiladi.

XULOSA

“Qobusnoma” asari qirq to‘rt bobdan iborat bo‘lib, biz o‘nga yaqin boblarnigina tahlil qildik. Asarni mazmun jihatidan to‘rt qismga bo‘lish mumkin: birinchi qismga 1-10 boblar kirib, ularda Alloh Taolo, payg‘ambarlar, ota-onaga yaxshilik qilish, ilm-hunar o‘rganish kabi mavzularni o‘z ichiga qamrab olgan, ikkinchi qismiga 11-20 boblar kirib, bularda mehmon kutish, sharob ichish, shikor, harbiy ishga oid nasihatlar joy olgan, uchinchi qismga 21-30 boblar kirgan bo‘lib, mol jam qilish, uy va yer sotib olish, xotin olish, farzand tarbiyalash, do‘st tutish, dushmandan andisha qilish kabi

muhim masalalar yoritilgan, to‘rtinchi qismga 31- 44 boblar kirib, ularda asosan vazirlik qilish, podshohga xizmat, sipohsolorlik (fors. — qo‘shin boshlovchi, lashkar yetakchisi)[17], dehqonchilik va juvonmardlik masalalari o‘rin olgan. Shuni alohida ta’kidlab o‘tish joizki, hayotning barcha jabhalarni asarida mujassam qila olish Kaykovusning o‘z davrida yetuk shaxslardan biri bo‘lganini tasdiqlaydi. Bu kitobni to‘liq holda o‘qib chiqishni maslahat beramiz. Zero, bu asar insonning qalb ko‘zini ochadi, ruhan poklanishga, jismonan yetuk bo‘lishga undaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Shavkat Mirziyoyevning BMT Bosh Assambleyasi 72-sessiyasida so‘zlagan nutqidan.

2. Kaykovus – Qobusnoma. – Nashrga tayyorlovchilar: S.Dolimov, U. Dolimov. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2022

3. Shodmonova S. – Tarixiy tadqiqotlarning metodologiyasi va zamonaviy usullari. – Toshkent: Barkamol fayz media, 2018

4. O‘ZBEKISTON MILLIY ENSIKLOPEDIYASI - S HARFI – Toshkent: Davlat ilmiy nashriyoti, 401-b. www.ziyouz.com kutubxonasi

[17] O‘ZBEKISTON MILLIY ENSIKLOPEDIYASI - S HARFI – T: Davlat ilmiy nashriyoti, 401-b. www.ziyouz.com kutubxonasi

SOHAGA OID TERMINLARNING O‘ZBEK TILSHUNOSLIGIDAGI TADQIQI

Kurbanova Go’zal Abduraximovna
Termiz davlat pedagogika instituti
Rus tili va adabiyoti kafedrasi o’qituvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada til va terminologiya masalasi, sohaga oid terminologiyaning leksikografik xususiyatlari, lingvistik tadqiqi, maxsus terminografik ishlarning tavsifi, o‘zbek terminologiyasini yaratishda erishilgan natijalar va amalga oshirilgan ilmiy-tadiqot ishlari haqida ma’lumotlar keltirilgan. Shuningdek, maqolada terminologik sistemalarni tashkil qilish va terminologik lug‘atlarni tuzishga quyilgan talablar tavsifiy xarakterda berilgan bo‘lib, ular bo‘yicha xulosalar umumlashtirilgan.

Kalit so‘zlar: til, terminologiya, leksikografiya, terminografika, izohli lug‘at, maxsus lug‘at.

KIRISH

O‘zbek tilshunosligida sohaga oid terminologiyaning leksikografik xususiyatlariga bag‘ishlangan qator tadqiqotlar mavjud. XX asrning 80-90 yillaridan boshlab o‘zbek tilshunosligida terminologiyani sistema sifatida tadqiq etishga aloqida e’tibor berila boshlandi. M.Narzieva, H.Ne’matov, R.Rasulov, R.Safarova, G.Ne’matova, Sh.Iskandarova kabilarning ishlarida terminologik sistemalarni “tematik guruh” nuqtai nazaridan tadqiq etish sistem leksikologiyaning yanada takomillashuviga, bu boradagi uzluksizlikni ta’minlashga xizmat qilishi mumkinligi ta’kidlangan[18].

Kuzatishlar shuni ko‘rsatmoqdaki, terminlarni tizimiy aspektda sof lisoniy-sohaviy yondashuv asosida tadqiq etish bugungi kunda ilm-fan va ishlab chiqarish sohalarida o‘zaro integratsiyani mustahkamlab, mamlakat iqtisodiyotini rivojlanishida tilshunoslikning ulkan xissasi mavjud ekanligini belgilab beradi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

O‘zbek tilida leksikografiya va terminologiya masalalari N.T.Hotamov, M.E.Umarxo‘jaev, H.A.Dadaboev, I.X.Sadikova, S.X.Nurmatova, O.Tursunova, P.P.Nishonov, O.S.Axmedov, D.X.Kadirbekova, H.V.Mirzaxmedova, S.T.Mustafaeva va D.I.Xodjaeva59 tadqiqotlarida o‘z aksini topgan.

S.Muhamedova va mualliflar jamoasi bank-moliya terminlari60 bo‘yicha, S.E.Normamatov o‘zbek lug‘atchiligining shakllanishi va rivojlanishida jadid ma’rifatparvarlarining o‘rni61 masalasida, S.T.Mustafaeva xitoycha-o‘zbekcha

[18] Ahatova M. O‘zbek tili èg‘ochsozlik terminologiyasi. Filol. fanlari nomzodi … diss. avtoref. – T., 2004. – 24 b. – B. 6

tilshunoslik terminlari62 bo‘yicha maxsus tadqiqotlar olib borishgan. Sohaviy terminlarning lingvistik tadqiqi bir qator olimlarning ishida atroflicha tahlil qilingan. D.X.Kadirbekova ingliz va o‘zbek tillarida axborot texnologiyalari terminologiyasi63ni, P.P.Nishonovning fransuz va o‘zbek tillari yuridik terminologiyasining qiyosiy-tipologik tadqiqini amalga oshirgan[19].

Muallif tilning leksik qonuniyatlari uning terminologik sistemasida ham to‘laqonli aks etishini ta’kidlaydi. Terminologik tizimda ham o‘z va o‘zlashgan qatlam farqlanishini, o‘zbek tilining geografik terminlari o‘z qatlamida umumturkiy va o‘zbek tilining umumleksik sathidan sohaviy birlik maqomiga o‘tganligi, umumiste’mol ma’noning ixtisoslashuvi natijasida terminologik ma’noga ega bo‘lgan birliklar mujassamlashgan bo‘lsa, o‘zlashma qatlamni boshqa tillar, xususan, arab, fors, rus, ingliz, fransuz kabi xorijiy tillardan olingan o‘zlashma leksema/terminlar tashkil qilishini ilmiy asoslab bergan.

NATIJALAR VA MUHOKAMA

O‘zbek tilshunosligida terminologiya bo‘yicha olib borilgan keng doiradagi tadqiqotlarga qaramay terminga ta’rif berish muammosi dolzarbligicha qolmoqda. Termin va atama tushunchalariga o`zbek tilida quyidagicha ta’rif keltirilgan:

ATAMA 1 ayn. **termin. 2** Umuman, nom. Lekin shamanni har bir xalq o‘z tilidagi nom, atama bilan yuritib kelgan. “Fan va turmush”. Respublikamizning o‘zidagina 400 dan ortiq turli-tuman qovun atamalari mavjud ekan. “Fan va turmush”.

TERMIN [lot. Terminus – chek, chegara] Fan, texnika, kasb-hunarning biror sohasiga xos muayyan bir tushunchaning aniq va barqaror ifodasi bo‘lgan so‘z yoki so‘z birikmasi; atama. Botanika terminlari. Zargarlik terminlari. Paxtachilik terminlapu. Yo‘ldosh Elmurodga notanish terminlarni tushuntira ketdi. Shuhrat, Shinelli yillar. Terminlar ilmiy kommunikatsiyadan jonli so‘zlashuvga o‘tganda, xalq uchun tushunarli so‘zlarga aylana boradi[20].

Ko‘rinadiki, mazkur lug‘atda bu ikki tushuncha sinonim sifatida qayd etilgan. Vaholanki, termin so‘zi ma’lum bir sohada qo‘llanadi, atama esa keng tushuncha bo‘lib, barcha narsa va hodisaning nomi sifatida tushuniladi. Ba’zi manbalarda bu tushunchalarni farqlash bo‘yicha qarama-qarshi fikrlar mavjud. Jumladan, “Termin so‘zi o‘rnida ba’zan atama, istiloh so‘zlarini ishlatish hollari uchrab turadi. Ammo bu to‘g‘ri emas. Atama termin so‘ziga nisbatan tor tushunchani ifodalaydi. Istiloh so‘zi esa arabchadir. Uni xalq tushunmaydi va me’yorga aylangan emas. Terminologiya masalalari hamisha tilshunoslikning dolzarb masalalaridan biri bo‘lib kelgan. Chunki

[19] Muhamedova S. va b. Bank-moliya terminlarining o„zbek tilidagi izohli lug„ati. – Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2020. – 157 b.
[20] Terminologiya ishining mazmuni va vazifalari haqida // O‘zbek tili va adabiyoti. – 1964, №3. –B. 31-39.

terminlarning sohalar lug‘aviy qatlamlaridagi o‘rni va vazifasini belgilash, tushunchaning mazmunmohiyatini to‘g‘ri anglash imkonini beradi”[21].

Olim A.Hojievning “Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati” kitobida esa termin bilan bog‘liq quyidagi tushunchalarga izoh berilgan:

TERMIN (lot. terminus – chek, chegara, chegara belgisi). Fan, texnika va boshqa sohaga oid narsa haqidagi tushunchani aniq ifodalaydigan, ishlatilish doirasi shu sohalar bilan chsgaralangan so‘z yokp so‘z birikmasi; atama. Terminlar bir ma’noli bo‘lishi, ekspressivlik va emotsionallikka ega bo‘lmasligi kabi belgilari bilan ham umumiste’moldagi so‘zlardan farqlanadi. Mas., lingvistik terminlar: gap, ega, ot, son, tovush...; geometriyaga oid terminlar: aylana, uchburchak...; fizikaga oid terminlar: jism, bosim, harakat, maydon; kimyoga oid terminlar: suv, kumush, ishqor, tuzlar va b.

TERMINOLOGIK LEKSIKA. Terminlardan iborat leksika.

TERMINOLOGIK LUG‘AT. Ma’lum bir sohaga oid so‘z-terminlarnp qayd etuvchi lug‘at. (Mas., H.Yu.Bekmuhammedovning 1978 ynlda nashr etilgan “Tarix terminlari lug‘ati”).

TERMINOLOGIYA (termin+logos – so‘z, ta’limot). 1. Biror ilm, kasb va b. sohaga oid terminlar majmui. Mas., grammatik terminologiya, san’at terminologiyasi va b. 2. Tilshunoslikning terminlarni o‘rganuvchi bo‘limi.

Mazkur lingvistik lug‘atda atama so‘zi kiritilmagan va unga ta’rif berilmagan. Bizningcha, olim atama so‘zini lingvistik termin sifatida qabul qilmagan. Bu o‘rinda atama so‘zi biz tahlil etgandek, keng tushuncha sifatida tushunilgan va faqat termin so‘zi bilan bog‘liq hodisalar izohlangan. Tadqiqotchi R.Nishonov terminga shunday ta’rif beradi: “Terminlar semantik jihatdan maxsus soha doirasi bilan chegaralanadi va shu sohaga oid tushunchani ifodalovchi leksik birlikdir”.

O.Axmedov esa: “...terminlar aslida leksik-semantik jihatdan umumadabiy qolipga ega bo‘lib, ular umumxalq tiliga muayyan terminologik tizim orqali o‘tadi. Zero, terminlar va umumiste’moldagi so‘zlar bir-birini to‘ldiradigan leksik birliklardir” – deya ta’kidlaydi[22].

XULOSA

Xulosa sifatida qayd etish kerakki, o‘zbek tilida soha terminologiyasi atroflicha tadqiq etilgan. Quyidagi soha terminlari maxsus monografik planda o‘rganilgan:

texnikaga oid terminlar; zargarlik terminlari; raqs san’ati terminalogiyasi; anatomik terminologiya; pedagogik terminologiya; kitobatchilik terminologiyasi; onomastik terminlar; yog‘ochsozlik terminologiyasi; bank-moliya terminologiyasi;

[21] Kadirbekova D.X. Ingliz va o‘zbek tillarida axborot texnologiyalari terminologiyasining lingvistik xususiyatlari. Monografiya. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2016.
[22] Axmedov. O.S. Ingliz va o‘zbek tillarida soliq-bojxona terminlarining lingvistik tahlili va tarjima muammolari. Filol. fanlari dokt. dis... avtoref. –Toshkent, 2016. – B.19.

ekologik terminlar; zoologik terminlar; farmasevtika terminlari; botanika terminlari; soliq-bojxona terminlari; yuridik terminlar.

Shu o‘rinda ta’kidlab o‘tish kerakki, ma’lum bir sohaga oid so‘zlar terminologik sistemani tashkil qilishi uchun quyidagi talablarga javob berishi kerak.

Tadqiqot ob’ekti qilib tanlagan chorvachilik terminlari mana shu talablarga to‘la javob bera oladi. Lekin terminlarning o‘rganilishi tarixida falsafiy terminlarning maxsus tadqiqot ob’ekti bo‘lganini kuzatmadik.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Ahatova M. O‘zbek tili èg‘ochsozlik terminologiyasi. Filol. fanlari nomzodi … diss. avtoref. – T., 2004. – 24 b. – B. 6

2. Muhamedova S. va b. Bank-moliya terminlarining o„zbek tilidagi izohli lug„ati. – Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2020. – 157 b.

3. Terminologiya ishining mazmuni va vazifalari haqida // O‘zbek tili va adabiyoti. – 1964, №3. –B. 31-39.

4. Kadirbekova D.X. Ingliz va o‘zbek tillarida axborot texnologiyalari terminologiyasining lingvistik xususiyatlari. Monografiya. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2016.

5. Axmedov. O.S. Ingliz va o‘zbek tillarida soliq-bojxona terminlarining lingvistik tahlili va tarjima muammolari. Filol. fanlari dokt. dis... avtoref. –Toshkent, 2016. – B.19.

TALABA YOSHLARNING OILAVIY MUNOSABATLAR TO‘G‘RISIDAGI TASAVVURLARINING OILA MUSTAHKAMLIGIGA TA’SIRI

Axmedov Baxtiyor Tursunovich
TerDPI Psixologiya kafedrasi katta o‘qituvchisi
komron_rashidov@mail.ru

ASOSIY QISM

Oila jamiyatning eng muhim bo‘g‘ini. Hozirgi davrda mustaqil O‘zbekiston baxtiyor davlatlar reytingida kuchli 10 likdan joy olgani kata natija va mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy hayot darajasining yashash uchun mos ekanligidan dalolatdir. Oila qurish arafasidagi yigitlarning psixikasi va jismoniy tayorgarligi kelajakdagi qurilgan oila hayoti uchun hal qiluvchi muhim ahamiyatga ega jihat bo‘lib qoladi.

Oila — muqaddas va nozik qadriyatlar ustiga qurilgan, er-xotin bir-biriga Allohning muqaddas bir omonati etib berilgan mo‘jazgina bir makondir. Omonatning yaxshi saqlanmog‘i, unga xiyonat qilinmasligining zarurligi dinimiz arkonlari tomonidan yetarlicha tushuntirib o‘tilgan.

Erkak ishonchli bir juft ekanini xotiniga qabul qildira olish qobiliyatiga ega bo‘lishi kerak. Bolalariga shafqatli, mehribon bo‘lishi, mehr-muhabbat va qayg‘u-g‘amda sherik, hamdard bo‘lishi, o‘zini ayamasligi kerak.[23]

Barcha davr va zamonlarda oila degan nom muqaddas va bog‘lovchi vosita sifatida jamiyat hayotida muhim o‘rin tutgan. Buni yuqoridagi asl diniy qadriyatlar namunasini o‘zida jo qilgan Imom G‘azzoliyninig “ey farzand” nomli kitobidagi fikrlardan ham bilish mushkil emas. Oila qadriyatlar e’zozlanadigan maskan bo‘lishi bilan birga, muqaddas nikoh rishtalari va ahdu vafo asosiga qurilgan, sha’riy shartnoma bilan kafolatlangan jamiyatning asosiy bo‘g‘inidir.

«Uylaning, ko‘paying. Chunki, tushgan bir bola bilan bo‘lsa ham, qiyomat kuni o‘zga ummatlar oldida siz bilan faxrlangayman». (Abdulloh ibn Umardan (r.a.) Bayhaqiy rivoyat etgan)[24].

Ta’kidlash joizki, oilaning mustahkamligi va undagi o‘zaro hurmat va munosabatlar, farovon hayotning asosida tomonlarning ruhiy, jismoniy, aqliy va iqtisodiy ijtimoiy jihatdan tayyorligi yotadi. Barcha omillarning qisman butligi va kamchiliklardan xoli bo‘lmasligi ham farovon hayotni kafolatlay olmaydi. Zero inson mukammal ishlangan mashina emas. Arzimas ehtiyot qism arzimas yoki kichik tuyilsa ham, hal qiluvchi vaziyatlarda kamchilikni namoyon etishi hech gap emas. Shu o‘rinda mustaqillik davrida oilaga berilgan e’tibor va hozirda bu sohada olib borilayotgan ishlar haqida ham gapirmay iloj yo‘q. Jumladan: Prezidentning 2018 yil 27 iyundagi

[23] www.ziyouz.com kutubxonasi. Abu Homid G’azzoliy”Ey, farzand”b-40
[24] Imom G‘azzoliy “Uylanish odobi”, 3-b

«O‘zbekiston Respublikasida oila institutini mustahkamlash konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida"gi qarori bilan konsepsiyaning ustuvor vazifalari va amalga oshirish bo‘yicha chora-tadbirlar tasdiqlandi.[25]

Konsepsiya va «Yo‘l xaritasi"ni amalga oshirish jarayonining muvofiqlashtirilishi va monitoringi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi «Oila» ilmiy-amaliy tadqiqot markazi zimmasiga yuklatildi.

2019 yildan boshlab har yili 15 mayda O‘zbekistonda Xalqaro oila kuni nishonlanadi. Hukumat farmoyishining tegishli loyihasi joriy yil 1 sentyabrgacha Vazirlar Mahkamasiga kiritiladi[26].

Statistik ma’lumotlar va jahon tajribasi shuni ko‘rsatmoqdaki, yigitlarning oila qurish uchun mos biologik yoshi 20, qizlarda esa 18 yoshni tashkil etadi. Bu yosh ikki jins vakillari uchun ham balog‘atga yetish va mustaqil hayotga jismoniy tayorgarlik yoshi hisoblanadi. Organizmdagi gormonal va funksional o‘zgarishlar, tashqi xarakter xususiyatlarida o‘z ifodasini topadi. Ammo faqat biologik yosh barchasiga yechim bo‘la olmaydi, bu ko‘rsatkichga barobar ravishda aqliy, ruhiy voyaga yetish albatta mukammal bo‘lmasada tasavvurga ega bo‘lish lozim. Masalan, ba’zi o‘smirlarning aqliy faoliyati yoshiga nisbatan ilgarilab ketishi va aksincha boshqalarda bu holatninig teskarisini kuzatish mumkin. Har ikki holatda ham buni yutuq diya olmaymiz, chunki aqliy faoliyat, ruhiyatning barqarorligi va jismoniy ko‘rsatkichlarga muvofiq kelmasligi bir tomondan muammo bo‘lsa, jismoniy tez rivojlanishning sababi gormonal funksiyaninig buzilishi ikkinchi muammo hisoblanadi. Bunday muammolar aynan oila qurish davrida turli tuman belgilarni beradi. Bu jarayonda asosiy kuch va hal qiluvchi rol diniy va dunyoviy jihatdan yigitlar zimmasida bo‘ladi. O‘zbekiston Respublikasi Oila kodeksining 15-moddasi Nikoh yoshi masalalariga tegishli bo‘lib unda, Nikoh yoshi erkaklar uchun o‘n sakkiz yosh, ayollar uchun o‘n yetti yosh etib belgilanadi.[27]

Balog‘at belgilarini biologik o‘sishning asosi bo‘lsada oila qurishning eng asosiy maqsadlaridan biri bu ko‘payish, nasl qoldirishdir. Ko‘payish organizmning avlod qoldirish xusussiyatidir. Ikki xil jinsiy hujayralar qo‘shilishi hisobiga yangi organizmlar hosil bo‘ladi. Jinsiy ko‘payish esa irsiy (nasliy) xilmaxillikga olib keladi[28]

So‘rovnoma va kichik statistik kuzatuv tahlili natijalariga ko‘ra oila qurish davrida (o‘tish davrida yigitlar duch keladigan muammolar quyidagicha:

1. Biologik ya’niy jismoniy jihatdan tayorgarlikning yetarli emasligi;(gormonal, antropometrik, gigienik, fiziologik, genetik va.hk)

[25] Akhmedov, B. T. (2021). The Family as the Basic Unit of Society. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 8(12), 201-204
[26] www.gazeta.uz
[27] O’zbekiston respublikasi oila kodeksi 15-moddasi.
[28] B. Aminov “odam va uning salomatligi” 145-b

2. Ruhiy tayorgarlikning talab darajasida emasligi; (aqliy, intelektual, dunyoqarash, ong, muloqot, nutq va faoliyat layoqati)

3. Har tomonlama ko‘rsatkichlarning mosligi va muvofiqligi haqidagi talablar informatsiyalar, ko‘nikma va malakalarning yo‘qligi; (malakalar, ko‘nikmalar, ma’lumotlar hozirgi zamon talabi va sharoitiga nomuvofiq loqaydlik);

4. Tashqi omillarninig salbiy ta’siri natijasida yuzaga keladigan muammolar va ularga nisbatan sovuqqonlik xususiyati. (ota-onaning qarashlari, madaniy ma’rifiy saviya, ommaviy madaniyat, internet va axborot texnologiyalari, zararli odatlar va davralarning ta’siri);

5. Zarur imkoniyatlar va sharoitlarning talab darajasiga javb bermasligi, (iqtisodiy, moddiy holat, ijtimoiy kelib chiqish, xarakter xusussiyatlari temperament va dunyoqarash nomutanosibligi).

XULOSA VA TAVSIYALAR

Yuqoridagi muammolarni davom ettirish mumkin, biroq biz aytmoqchi bo‘lganlar asosiy hyotiy ahamiyatga ega jihatlari bo‘lib, ularga panja ortidan qarash va hal etishni kechiktirish nafaqat oila qurish istagidagi o‘smirlarni, balki ulardan dunyoga keladigan yosh avlod naslining sog‘ligini xavf ostiga qo‘yadi. Har tomonlama sog‘lom va layoqatli yosh avlod tarbiyasi barchamizning asosiy maqsadimiz, millatimiz jamiyatimiz hayotini hal etuvchi jarayon ekanligini unutmaslik lozim.

Shu o‘rinda yana diniy bir misol. Yigitninig uylanadigan qizga nisbatan ziyrak bo‘lishi lozim bo‘lgan va e’tiborga molik jihatlari 4 ta. Birinchisi, qizning moli, ikkinchisi, husnu-jamoli, uchinchisi, nomu nasabi ya’ni ijtimoiy kelib chiqishi, to‘rtinchisi dindorligi (islom dini vakili ekanligi eng ulug‘ va almashinmas xususiyatidir)[29]

Muammo bor joyda unning yechimi ham mavjud. Bunda jahon tajribasi emas, balki o‘zimizninig sharqona go‘zal urf-odat va an’anlarimizga ota-bobolarimiz mutafakkirlarimiz muqaddas dinimiz ko‘rsatmalariga amal qilsak eng ma’qul yo‘l bo‘lar edi nazarimda.

Adabiyotlar ro’yxati:

1. O’zbekiston respublikasi oila kodeksi 15-moddasi.

2. Abu Homid G’azzoliy”Ey, farzand”b-40 www.ziyouz.com kutubxonasi.

3. Imom G‘azzoliy “Uylanish odobi”, 3-b

4. Akhmedov, B. T. (2021). The Family as the Basic Unit of Society. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, *8*(12), 201-204

5. B. Aminov “odam va uning salomatligi” 145-b

6. Shayx Muhammadsodiq Muhammad Yusuf “Zikr ahlidan so’rang” 4-qism 188-b

7. www.gazeta.uz

[29] Shayx Muhammadsodiq Muhammad Yusuf “Zikr ahlidan so’rang” 4-qism 188-b

JINOIY DAROMADLARNI LEGALLASHTIRISH BILAN BOG'LIQ JINOYATLARNI OCHISH VA TERGOVNI TASHKIL ETISH MASALALARI

Raximov Nodirbek Mutalliyevich
Namangan Davlat Universiteti Yuridik fakulteti o'qituvchisi

Annotatsiya: ushbu maqolada jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish bilan bog'liq jinoyatlar, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish bilan bog'liq jinoyatlarni ochish va tergovni tashkil etishdan ko'zlangan asosiy maqsad tushunchasi, mazkur jinoyatga qarshi huquqni muhofaza qilish idora xodimlari oldida turgan muhim vazifalar, o'ta xavfli ijtimoiy qilmishlarga qarshi kurashish, ularning oldini olish, sodir etilgan jinoyatlarini ochish va tergovni to'g'ri tashkil etish, jahon hamjamiyatini xavotirga solayotgan va uyushgan jinoyatchilikning rivojlanishiga sharoit yaratayotgan transmilliy jinoyatlar sifatida e'tirof etilayotgan jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga qarshi, shuningdek mazkur jinoyatlarga qarshi kurashish bo'yicha xorijiy mamlakatlar bilan hamkorlik aloqalarini kuchaytirish, O'zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan ishlar, qabul qilingan qonun hujjatlari mazmun-mohiyati to'g'risidagi ma'lumotlar yoritilgan.

Kalit so'zlar: jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, transmilliy jinoyatlar, terrorizmni moliyalashtirish, ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish, maxsus vakolatli davlat organi, huquqni muhofaza qiluvchi va tergov organlari, xalqaro tashkilotlar va xorijiy mamlakatlar bilan hamkorlik, narkobiznes, predikat jinoyat, jinoyatlarini ochish va tergovni to'g'ri tashkil etish, tusmollarni tekshirish, jinoyat predmeti va qurollarini ko'zdan kechirish.

ВОПРОСЫ РАСКРЫТИЯ И РАССЛЕДОВАНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С ЛЕГАЛИЗАЦИЕЙ ПРЕСТУПНЫХ ДОХОДОВ

Рахимов Нодирбек Муталлиевич
Учитель Наманганского государственного университета Юридического факультета

Аннотация: в данной статье раскрываются преступления, связанные с легализацией доходов, полученных преступным путем, понятие основной цели открытия и организации расследования преступлений, связанных с легализацией доходов, полученных преступным путем, важные задачи, стоящие перед сотрудниками правоохранительных органов в борьбе с данным преступлением, бороться с особо опасными общественными преступлениями, предупреждать их,

раскрывать совершенные преступления и правильно организовывать расследование, бороться с легализацией доходов от преступной деятельности, признанных транснациональными преступлениями, которые волнуют мировое сообщество и создают условия для развития организованной преступности, а также для борьбы с этими преступлениями информация об укреплении сотрудничества с зарубежными странами, работа проводимая в Республике Узбекистан, содержание принятых нормативно-правовых документов.

Ключевые слова: легализация доходов, полученных преступным путем, транснациональные преступления, финансирование терроризма, борьба с финансированием распространения оружия массового поражения, сотрудничество со специально уполномоченным государственным органом, правоохранительными и следственными органами, международными организациями и иностранными государствами, наркобизнес, предикатное преступление, раскрытие преступлений и правильная организация расследования, исследование доказательств, осмотр предметов преступления и оружия.

ISSUES OF DETECTION AND INVESTIGATION OF CRIMES RELATED TO THE LEGALIZATION OF CRIMINAL PROCEEDS

Rakhimov Nodirbek Mutallievich
Teacher at Namangan State University Faculty of Law

Annotation: in this article, crimes related to the legalization of proceeds from criminal activities, the concept of the main goal of opening and organizing investigations of crimes related to the legalization of proceeds from criminal activities, the important tasks facing law enforcement officers against this crime, to fight against extremely dangerous social crimes, to prevent them, to solve the committed crimes and to properly organize the investigation, to fight against the legalization of proceeds from criminal activities, which are recognized as transnational crimes that worry the world community and create conditions for the development of organized crime, as well as to fight against these crimes information on strengthening cooperation with foreign countries, the work being carried out in the Republic of Uzbekistan, the content of the adopted legal documents.

Keywords: legalization of proceeds from crime, transnational crimes, financing of terrorism, combating the financing of the proliferation of weapons of mass destruction, cooperation with a specially authorized state body, law enforcement and investigative agencies, international organizations and foreign states, drug trafficking,

predicate crime, disclosure of crimes and proper organization of the investigation, examination of evidence, examination of objects of crime and weapons.

Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish bilan bog'liq jinoyatlar – jamiyatda uchraydigan o'ta xavfli ijtimoiy hodisalar hisoblanadi.

Sodir etilgan mazkur jinoyatlar har qanday davlatning nafaqat iqtisodiyotiga, balki uning ijtimoiy va siyosiy negizlariga ham pinhona zarba beradi. Davlatning moliya tizimini izdan chiqarib, milliy valyutani xalqaro miqyosdagi obro'yiga putur yetkazadi. Natijada, uning bank, birja va bojxona faoliyatiga nisbatan ishonchsizlik paydo bo'ladi.

Shu sababdan, jinoiy daromadlarni legallashtirish bilan bog'liq jinoyatlar rivojlangan davlat, geosiyosiy muhokama ob'yektiga aylanib, uning barcha sohalariga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi sun'iy to'siqlarni yuzaga keltiradi. Shu sababdan, bu turdagi jinoyatlarni jamiyatda chuqur ildiz otishi, hozirgi zamonning eng xavfli ijtimoiy hodisasi sifatida qaraladi. Mazkur jinoyat sub'yektlarning asosiy maqsadi, jinoiy xatti-harakatlar evaziga katta boylik orttirish va jamiyatda moddiy va ma'naviy qadriyatlarning buzilishiga erishishdan iborat.

Huquqni muhofaza qilish idora xodimlari oldida, ta'kidlab o'tilgan o'ta xavfli ijtimoiy qilmishlarga qarshi kurashish, ularning oldini olish, sodir etilgan jinoyatlarini ochish va tergovni to'g'ri tashkil etish vazifalari turar ekan: birinchi galda, ular daromadning olish manbalari (korrupsion jinoyatlar, narkobiznes, odam savdosi, qurol-aslahalarning nolegal savdosi va boshqalar)ni, olingan mablag'ni legallashtirish usullarini aniqlash, jinoyatlarni sodir etgan shaxslarga nisbatan esa jinoiy-huquqiy normalarini samarali qo'llash kabi bir qator asosiy funktsiyalarni bajarishlari kerak. Ayniqsa, ularning oldini olish o'ta murakkab va dolzarb masala hisoblanadi.

Bu turdagi jinoyatlar latent ko'rinishga ega bo'lib, ular orasida narkobiznesga qarshi kurashish alohida ahamiyatga ega. Aynan shu yo'l bilan qo'lga kiritilgan mablag' dunyo iqtisodiyoti, jumladan O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyotiga ham xavf solayotgan xalqaro korrupsiyaning asosiy daromad manbaiga aylanib bormoqda.

Narkobiznes yo'li bilan qo'lga kiritilgan katta hajmdagi moddiy boyliklar yoki ularning valyuta ko'rinishidagi ekvivalentlarini pora sifatida olish-berish evaziga xalqaro transfert (bank, birja, bojxona va sh.k.) operatsiyalarini amalga oshirish yoki shunday qimmatliklarni offshor hududlarga o'tkazish yo'li bilan legallashtirishmoqda.

Bundan tashqari, narkobiznes yaratgan boylik dunyo hamjamiyatiga xavf solayotgan xalqaro terrorizmning asosiy manbaiga aylanmoqda.

Shu sababdan, huquqni muhofaza qilish idoralari tomonidan bu jinoyatlarning yuzaga kelish sabablarini, shart-sharoitlarini, uning tarixidan boshlab, hozirgi kunga qadar rivojlanishini va ijtimoiy xavfli harakatlarining xususiyatlarini o'rganish hamda

jinoiy uyushmani faoliyat ko’rsatishiga barham berish bilan bog’liq muammolar yechimi hal etilishi lozim.

Bu muammolar turli maxsus usullarni qo’llash, katta kuch va vositalarni jalb etish orqali hal etiladi. Lekin, uni zamon talabi darajasiga olib chiqish uchun dastlabki tergov jarayonida jinoiy daromadlarni olish va legallashtirish manbalarini aniqlashda turli murakkab vaziyatlar (jinoyatni to’liq ochish, jinoyat ishtirokchilarini fosh etish) yuzaga kelmoqda. Ushbu vaziyatlarning taktik yechimini algoritmi esa faqat takomillashgan zamonaviy tezkor-qidiruv, kriminalistik usul, vosita va kuchlarni to’g’ri qo’llash orqali hal etish mumkin.

Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish bilan bog’liq jinoyatlarni ochish va tergovni tashkil etishdan maqsad, bu turdagi jinoyatlarni ochish va tergovni samarali tashkil etishdan iborat.

Tergovga qadar tekshiruv deganda, ushbu jinoyatga oid xabar yoki tezkor-qidiruv ma’lumotlarni tekshirish maqsadida, kechiktirib bo’lmaydigan protsessual harakatlar va tezkor-qidiruv tadbirlarini o’tkazish tushuniladi. Ijtimoiy xavfli qilmish oqibatida ro’y bergan jinoyat hodisasining ob’yektiv, sub’yektiv va fakultativ belgilari mavjudligini tekshirish uchun, birinchi galda, jinoiy daromadlarni olish, ularni legallashtirish manbalarini aniqlash lozim.

Manbalarni aniqlashda jinoiy daromadni, ularni legallashtirish usullarini aks ettirgan buxgalteriya hujjatlarini, deklaratsiyalarni, soliq, bojxona va bank hisobatlarini elektron va yozma variantlarini olish, ular asosida moddiy qimmatliklarning natural qoldig’ini inventarizatsiya o’tkazish yo’li bilan tekshirish, hujjatiy taftish tayinlash, jinoyat hodisasiga aloqador jismoniy shaxslardan kerakli ma’lumotlarni olish, elektron o’tkazmalarni qamrab olgan operatsiyalar yuzasidan kompyuter texnologiyasi va vujudga kelgan vaziyatga qarab boshqa turdagi ekspertizalar tayinlash, jinoyat hodisasini sodir etishda ishtirok etgan va ushbu haqda bevosita va bilvosita ogoh shaxslardan tushuntirishlar olishga e’tibor qaratish lozim.

Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni olish manbalari turli ijtimoiy hodisalardan iborat bo’lib, jinoiy xatti-harakatlar bir-biridan farq qiluvchi alohida ijtimoiy munosabatlarga qarshi qaratiladi. Jumladan, iqtisodiyotga va uning asoslariga, xo’jalik faoliyatiga qarshi qaratilgan jinoyatlar, korrupsion jinoyatlar, narkobiznes, odam savdosi, qurol-aslahalarning nolegal savdosi, ularning ayrimlarini sodir etish uchun jinoiy uyushmalar tuzish va boshqalarni sodir etish natijasida jinoiy daromad manbalari shakllanadi. Jinoiy faoliyatdan olingan daromadni legallashtirish jinoyatning asosiy tarkibini tashkil qiladi, ammo muqaddam, bir vaqtni o’zida yoki kelgusida sodir etiladigan g’arazgo’ylik jinoyatlarisiz uning tarkibini tassavvur qilish mumkin emas. Chunki yuqorida ta’kidlab o’tilgan jinoyatlar daromadning olish manbalari hisoblanib, uning legallashtirish esa “predikat jinoyat” lar turkumiga kiradi. Daromadning olish manbalari yuzasidan o’tkaziladigan tergov harakatlari uning

umumiy qoidalariga asosan tashkil etiladi. Ya’ni, bu jinoyatlarning kriminalistik tavsifi, uning tuzulmasi: jinoyat hodisasining turi (sodir etish vaqti, joyi, daromad predmeti, uning hajmi); jinoyatni sodir etish va uning oqibatlarini yashirish usullarini anglatuvchi o’ziga xos bo’lgan daliliy ahamiyatga ega manbalar; moddiy aks etgan iz manbalari; og’zaki (verbal) iz manbalari; jinoyat sodir etgan kimsa, ushbu shaxslar orasida bo’lishi mumkinligini anglatuvchi manba; jinoyatni sodir etishning o’ziga xos motivi va maqsadini tashkil qiladi.

Kriminalistik tavsifni ta’kidlab o’tilgan tuzulmalari isbotlanishi zarur bo’lgan holatlarga nisbatan yordamchi sifatida sodir etilgan jinoyatlarning tarkibiy qismiga kiruvchi belgilari haqida dastlabki tergovga kerakli ma’lumotlarni taqdim etadi. Ushbu faktik ma’lumotlarni isbotlash jarayonida yuzaga kelgan tergov vaziyatlarining taktik yechimini hal etishda daliliy ahamiyatga ega bo’lgan moddiy va xotiraviy iz manbalarini topish uchun tergov tusmollarini ilgari surish, ularni tergov rejasiga kiritish muhim ahamiyatga ega. Tusmollarni tekshirish maqsadida, quyidagi tergov harakatlari amalga oshiriladi. Jumladan, tintuv o’tkazish, hujjatlarni olish, jinoyat predmeti va qurollarini ko’zdan kechirish, ashyoviy dalil sifatida ularni e’tirof etish va jinoyat ishiga qo’shib qo’yish, hujjatiy taftish o’tkazish, tadqiqot ob’ektiga ko’ra turli ekspertizalarni tayinlash, gumonlanuvchi tariqasida jinoyat ishiga jalb etilgan shaxslarni, guvohlarni so’roq qilish, axborot kommunikatsiya materiallarini olish va ushbu orqali olib borilgan so’zlashuvlarni eshitish, shuningdek, tezkor-qidiruv tadbirlarini o’tkazish, olingan ma’lumotlarni protsesual harakatlarni amalga oshirish yo’li bilan dalil sifatida tadbiq etish, pochta-telegraf jo’natmalarini ko’zdan kechirish, ularni olish va xatlab qo’yish, jinoyatni sodir etishga imkon bergan shart-sharoitlarni aniqlash hamda ularni bartaraf etish maqsadida protsessual majburlov choralarini qo’llashdir.

Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish bilan bog’liq jinoyatlar transmilliy tusga ega bo’lgani sababli mazkur jinoyat ishlari yuzasidan tergovni tashkil etishda sohaviy xizmatlar o’rtasida xalqaro hamkorlikni shakllantirish zarur. Chunki, bu turdagi jinoiy faoliyat bir davlat hududida boshlanib, ikkinchi davlat hududida o’z yakunini topadi.

Shu bois, sodir etilgan jinoyat hodisasi, uning holatlari va ayrim elementlarini isbotlash bilan bog’liq jarayon tergov ishlarini protsessual va tashkiliy jihatdan yuritishda murakkab vaziyatlarni vujudga keltiradi. Aynan shu vaziyatlarni taktik yechimlarini hal etish uchun o’zaro hamkorlikning tartibi to’g’risidagi asosiy qoidalarga rioya qilgan holda, uning shaklini aniqlash lozim. Bular: jinoyat hodisasiga taalluqli daliliy ahamiyatga ega bo’lgan ma’lumotlarni o’zaro almashish, dalillar manbalarini taqdim etish, ayrim turdagi tergov harakatlarini o’tkazish yoki ularni o’tkazishga ruxsat olish, jinoyatni sodir etgan shaxslarni ushlash, ularga nisbatan protsessual majburlov choralarini qo’llash, ekstraditsiya qilish, jinoyatni sodir etishda

qatnashgan boshqa ishtirokchilarni aniqlash, bank operatsiyalarini yuritishda rasmiylashtirilgan hujjatlarni yozma va elektron variyatlarini olish, ularni tergov idorasiga yuborish, guvoh va gumonlanuvchi tariqasida ishga jalb etilgan shaxslarni xorijiy davlat hududida so'roq qilish uchun so'rovnoma yuborish.

O'zbekiston Respublikasining "Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish to'g'risida"gi qonuni 22-moddasida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasidagi xalqaro hamkorlik ko'rsatib otilgan bolib, unga ko'ra jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasidagi xalqaro hamkorlik O'zbekiston Respublikasining qonunchiligi hamda xalqaro shartnomalariga muvofiq amalga oshiriladi.

Maxsus vakolatli davlat organi zarur axborot taqdim etish to'g'risida chet davlatlarning vakolatli organlariga so'rovlar yuborish va chet davlatlar vakolatli organlarining so'rovlariga javob qaytarish huquqiga ega.

Shuningdek, mazkur hamkorlikni ta'minlash masalasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 29-iyundagi 402-son qarori bilan tasdiqlangan "Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasida xalqaro hamkorlikni amalga oshirish tartibi to'g'risida"gi nizom talablari bilan mustahkamlangan.

Xalqaro hamkorlik O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlari hamda legallashtirishga va predikat jinoyatlarga qarshi kurashish sohasidagi O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalariga muvofiq amalga oshiriladi.

O'zbekiston Respublikasining xorijiy davlatlar bilan xalqaro shartnomalari mavjud bo'lmagan taqdirda, xalqaro hamkorlik o'zarolik prinsipi asosida amalga oshiriladi.

Bunda, O'zbekiston Respublikasining vakolatli davlat organi tomonidan xorijiy davlat vakolatli organiga o'zarolik prinsipi asosida yuboriladigan xalqaro so'rovlarda kelgusida xorijiy davlat vakolatli organi tomonidan yuboriladigan so'rovlarning ko'rib chiqilishi kafolatlanishi lozim.

Xorijiy davlatlar vakolatli organlarining o'zarolik prinsipi asosida yuborgan xalqaro so'rovlari, agar ularda O'zbekiston Respublikasining vakolatli davlat organlari tomonidan kelgusida yuboriladigan so'rovlarning ko'rib chiqilishini kafolatlovchi talablar bo'lgan taqdirdagina O'zbekiston Respublikasining vakolatli davlat organlari tomonidan ko'rib chiqiladi.

Xalqaro hamkorlik O‘zbekiston Respublikasining vakolatli davlat organlari yoki xorijiy davlatlar vakolatli organlarining xalqaro so‘rovlariga yoki o‘z tashabbuslariga ko‘ra amalga oshiriladi.

Yuqoridagilarga muvofiq, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg’in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish har bir davlatning taraqqiyoti uchun muhim ahamiyatga ega. Uyushgan jinoyatchilikka qarshi keskin va murosasiz kurash jahon hamjamiyatini o’ylantirib kelayotgan dolzarb masalalardan biri hisoblanib, uyushgan jinoyatchilikning transmilliy xarakter kasb etishi ushbu muammoga barcha davlatlar tomonidan ko’proq e’tibor qaratishi lozimligini taqozo etadi. Shu munosabat bilan, mazkur jinoyatga qarshi jahon hamjamiyati tomonidan hamkorlik ko’lamini kengaytirish, unga qarshi birgalikda keskin va murosasiz kurashish lozim.

Foydalaniladigan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasida “Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg’in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish to’g’risida”gi qonuni. Toshkent sh. 2004 yil 26 avgust, 660-II-son.

2. “O’zbekiston Respublikasining jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg’in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish milliy tizimini rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to’g’risida” PF-6252.

3. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 29-iyundagi 402-son qarori bilan tasdiqlangan Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasida xalqaro hamkorlikni amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi nizom. 2021-yil 29-iyun. 402-son.

4. O’zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi.www.lex.uz.

5. O’zbekiston Respublikasining Jinoyat-protsessual kodeksi. – T., 2022.

6. O’zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi. – T., 2022.

7. O’zbekiston Respublikasining «Terrorizmga qarshi kurash to’g’risida»gi 2000 yil 15 dekabr qonuni // O’zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. – 2001. –№ 1–2.

8. Kriminalistika: Darslik. 1–qism / G’. A. Abdumajidov tahriri ostida. – T., 2003

9. Kriminalistika: Darslik. 2–qism / G’. A. Abdumajidov tahriri ostida. – T., 2003

10. Qozixodjaev J.X., Ibragimov M.O. Narkotik vositalar va psixotrop moddalar bilan bog’liq jinoyatlarni tergov qilish xususiyatlari. O’quv-amaliy qo’llanma, - T.2007.

11. Qozixodjaev J.X., Ibragimov M.O. Jinoyatlarni tergov qilishda maxsus bilimlardan foydalanish. O’quv-amaliy qo’llanma, -Namangan., 2013.

12. Qozixodjaev J.X., Ibragimov M.O. Korruptsiyaga qarshi kurashishda huquqiy ong, bilim va tafakkurning ahamiyati. Ilmiy-uslubiy qo’llanma. –Farg’ona., 2020.

ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИЛИШИ ХУСУСИДА

Раҳмонали Ҳасанов
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, Халқаро Турон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўрта Осиё халқлари тарихи институти Тошкент филиали директори, Турон ФА академиги ва вице президенти, профессор

Аннотация: Мазкур мақолада, Қорахонийлар давлати тарихини ўрганилиши Сотуқ Буғрохон асос солган Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши ва бу даврдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Қорахонийлар давлати биринчи туркий – исломий давлатлардан бири сифатида шаклланганлиги,давлат бошқарув тизими, ҳарбий тактикаси Қашқар, Болосоғун, Ўзган ва Самарқанд қорахонийлар хоқонлигининг турли даврлардаги пойтахти бўлганганлиги, илм-фан, маърифат, меъморчиликнинг ривожаниши, адабий муҳитнинг барқарорлашуви, хусусида республикамиз ва жаҳон олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг қиёсий таҳлили баён этилган.

Таянч сўзлар. Туркий қавмлар, Арслонхон, Буғрохон, Улуғхон, Қорахон, Сотуқ Буғрохон,Бошқарув тизими, Қашқар, Болосоғун, Ўзган, Самарқанд, илм-фан. фиқҳшунослик,меъморчилик, адабий муҳит, “Ҳибат ул Ҳақойиқ”, “Девону луғотит турк”, “Қутадғу билиг”.

Маълумки, Туркий дунё ўз тарихи давомида ўнлаб салтанатлар қуриб, инсоният тамаддуни ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшганлигини башарият олимлари эътироф этганлар. Она заминимиз Туркистон ўз бағридан минглаб, олимлар, фозил уламолар, лашкарбошию, даҳо сиёсатдонларни етиштириб чиқарган.

Марказий Осиё халқлари давлатчилиги тарихида туркий халқларнинг буюк бобокалони Алп Эр Тўнга тузган давлат, Қадимги Хоразм, Қадимги Фарғона (Даван), Кушонларсалтанати, Буюк Турк хоқонлиги, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар, Бобурийлар, Шайбонийлар, Қўнғирот ва Манғитлар бошқарган хонликларнинг ҳар бирининг алоҳида ўз ўрни бор.

Туркий давлатчилик анъаналари асосида шаклланган мазкур давлат X асрнинг 90-йилларида Шарқий Туркистон. Еттисув ва Жанубий Тангритоғ олдидаги худудларда ташкил топган. Давлатнинг барпо бўлишида карлук, чигил, якмо каби йирик туркий қабилалар етакчилик қилган. Қорахонийлар сулоласи Хукмдорлари Арслонхон ва буғрохон унвонлари билан юритилган. Тахтга

чиккан Арслонхон ёки буғрохон, улуғхон, яъни қорахон деб аталган[37]. Баъзида қорахон, “хонлар хони” “тамгачхон” деб ҳам юритилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Янги Ўзбекистон Тараққиёт Стратегияси тўғрисидаги Фармоннинг **77-мақсадида: “Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантириш”га урғу берилган бўлиб, унда, т**арих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш вазифалари белгилаб берилган.[1.,2:Б.56.]. Ўзбек давлатчилиги тараққиёт босқичларини таҳлил қилиш юқоридаги вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги муҳим шартлардан ҳисобланади.

Мозийга назар ташлавр эканмиз,Марказий Осиё халклари тарихида ўзига хос ўрин тутган ва узоқ вақт салтанат қуришига қарамай ҳ***озирга қадар энг кам ўрганилган давлатлардан бири, бу - Корахонийлар хоқонлиги эди***. Шу боис Ўзбекистон заминида ҳукмронлик қилган Қорахонийлар даври тарихини мукаммал ўрганиш, давлатчилик анъаналарини тадқиқ қилиш, мазкур давр олим ва адибларининг илмий ҳамда адабий меросларини таҳлил қилиш бугунги кун Ватанимиз олимлари олдида турган улкан ва масъулиятли вазифалардан саналади.

Ўрта Осиёдаги қадимий ёзма манбалар, битиклар,туркий қавмларининг бирлаштириш учун олиб борилган сайъи ҳаракатлар[27,39,44], Шарқий Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар тарихи ва маданий ҳаёти, Сотуқ Буғрохон асос солган Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши ва Қорахонийлар давлати биринчи туркий –исломий давлатлардан бири сифатида шаклланганлиги[39], Қашқар, Болосоғун, Ўзган ва Самарқанд қорахонийлар хоқонлигининг турли даврлардаги пойтахти бўлганганлиги,давлатчилик асослари, маъмурий бошқарув тизими, таниқли давлат ва ҳарбий соҳа арбоблари фаолияти, дипломатик муносабатлар, ҳунармандчиликтармоқлари ва халқ амалий санъати, ер-сув муносабатлари, маънавий- маърифий, иқтисодий ва ҳарбий сиёсат ҳамда адабий муҳитнинг қарор топиши ва ўзбек давлатчилиги тарихида уларнинг тутган ўрни[44] хусусида республикамиз ва бир қатор хорижий давлатларнинг етакчи олимлари томонидан тадқиқ этилган,

Бугунги кунда Қорахонийлар даври тарихи учун муҳим саналган манбаларнинг аксарияти таржима қилиниб, кенг жамоатчили,,кка етказиб келинмоқда.

Дастлабки бирламчи манбалар сирасига X аср тарихчиси Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарини киритиш мумкин. Асарда тарихчи Моваройуннаҳрда ҳукмронлик қилган Қорахоний султонлар Малик Шамсулмулк Наср ибн Иброҳим Тамғочхон, Қадрхон Жабраил ибн Умар ибн Тўғрулхон, Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймонлар тўғрисида,

улар томонидан қурилган меъморий иншоотлар, уларнинг бунёдкорлик ишлари ҳақидаги мисолларни келтириб ўтган. [3: Б.88-174.]

Бирламчи манбалар сирасига Абул Фазл Байҳақийнинг “Тарихи Маъсудий” асарини ҳам киритиш мумкин. Мазкур асар Ғазнавий ҳукмдорлардан султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли Масъуд Ғазнавий ҳукмронлиги йилларига бағишланган бўлсада, унда Қорахонийлар ва Ғазнавийлар ўртасидаги дипломатик масалалар ҳам ёритиб ўтилган [4].

Шунингдек, Ибн ал Асирнинг “Ал комил фит тарих” (Мукаммал тарих) асарини киритиш мумкин. Муаллиф асарида Қарлуқлар давлатининг асосчиси Сотуқ Буғрохон ва унинг тахтга келиши. Қорахонийларнинг кейинги тарихлари, бу давлатнинг иккига бўлиниши, Самарқанд Қорахонийларининг хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад томонидан тугатилиши ва унга боғлиқ воқеалар ҳақида атрофлича маълумотларни бериб ўтган[20].

Шиҳобиддин Муҳаммад ан Насавийнинг “Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти” (Сират ас султон Жалолиддин Манкбурни) асари ҳам ўз даврида яратилган бирламчи манбалардан бўлиб, унда Қорахонийлар давлатининг сўнгги кунлари, Шарқий Қорахонийларнинг Қорахитойлар тасарруфидан чиқиб, Найманлар давлати таъсирига тушиб қолиши, Шарқий Қорахонийлар ҳудуди учун Найманлар подшоси Кучлук ва Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад ўртасида бўлиб ўтган курашлар тафсилоти анчагина кенг ёритилган [31].

Алоуддин Атомалик Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушо” (Жаҳон фотиҳи тарихи) асарида Мовароуннаҳр Қорахонийлар давлатининг Хоразмшоҳлар билан муносабатлари, Қорахитойларга қарши курашда бу икки давлат ҳукмдорларининг иттифоқи, ўзаро манфаатлар тўқнашуви, Ғарбий Қорахонийларнинг тугатилиши масалалари ёритиб берилган[18].

Қорахонийлар даври ўлкалари географияси, шаҳарлари ва қишлоқлари тарихини, аҳолининг машғулотлари ва этномаданиятини ўрганишда мазкур даврда яратилган география йўналишидаги асарларнинг ўрни беқиёсдир. Шундай асарлар сирасига Ибн Ҳавқалнинг “Китоб сурат ул ард”[19] ва Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форисий ал-Истахрийнинг “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарларини киритиш мумкин[5.].

Шунингдек, кейинги давр манбаларида Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”[30.], Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”[22.], Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзийнинг “Тарихи Рашидий”[23], Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома”[43.]. Абулғозий Баҳодурхоннинг “Шажарайи турк”[7] ва бошқаларни киритиш мумкин.

Айниқса кейинги пайтларда Қорахонийлар даврига оид - тарихчи, файласоф, маданиятшунос, сиёсатшунос, адабиётшунос олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар, нашр этилган илмий асарлар, рисола ва

мақолалар ҳамда ҳимоя қилинган диссертацияларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ўта муҳимдир.

Қорахонийлар даври тарихшунослигида сўнги давр олимларидан Ҳасан Ато Абуши[38], В. В. Бартольд[12], К. Шониёзов[38], А. Ходжаев[29.], Д.Дутураева[16] ва бошқаларнинг, хориж тарихчиларидан Умар Сонер Ҳункан[33.], Richard P. McClary[26] асарларида масаланинг айрим жиҳатларни ёритиб ўтилган**:** О. С. Хунканнинг докторлик диссертацияси бутун қорахонийлар давлати тарихига бағишланган[41.]. Муаллиф кейинчалик диссертациясини монография сифатида нашр эттирди. [42]. В.Абдурраҳмоннинг докторлик диссертацияси қорахонийларнинг Кочу (Идикут) уйғур давлати билан алоқаларига бағишланган.

Асарнинг бир бобида “Сатук Буғро Қорахон ва қорахонийларнинг исломлашуви” [6:Б.69-75] мавзуси ёритилган.. Қадимий ёзма манбалар, битиклар,туркий қавмларининг бирлаштириш учун олиб борилган сайъи ҳаракатлар, Қорахонийлар давридаги адабий муҳит ва маънавий-маърифий асарларни яратилиши хусусида Насимжон Раҳмонов, Боқижон Тўхлиев тадқиқотлари[27], Сатуқ Буғрохон ва унинг давлат бошқаруви хусусида Р.Ҳасанов[39], Қорахонийлар сулоласи даврида турли ўлкаларнинг бирлашиши фан ва маданият ривожи хусусида Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Ҳамидов, С.Холбоевлар[11], Энг қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий халқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятлари, Қорахонийлар даврида маънавий-маърифий асарларни яратилиши хусусида Қ.Ҳошимов, С.Нишонва, Р.Ҳасанов[44] ларнинг илмий тадқиқотлари, Қорахонийлар сулоласи даврида фиқҳ илмининг ривожи хусусида О.А Қориев, Маҳмуд Ҳасаний, Н. Абдулаҳатов, Т.Ғозиев[21,34,35,36,40,8]; Сатуқ Буғрохон томонидан ислом динини қабул қилиши ва унинг туркий-ислом тарихига таъсири ҳақида Esin E,Genç R., Tekinoğlu H тадқиқотлари[17,14,28] катта аҳамиятга моликдир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Е. Чақир докторлик диссертациясида Сатуқ Буғрохоннинг афсонавий таржимаи ҳолининг 43 нусхасини аниқлаган. Қайд этилган диссертацияда “Тезкире-и Сатуқ Буғрохон” матни халқ оғзаки ижоди нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Шу билан бирга Е.Чакир ушбу манбанинг Париж қўлёзмасининг транскрипсиясини тайёрлади[15] Н.Ерим тайёрлаган магистрлик диссертациясида Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида 1818 код билан рўйхатга олинган “Тезкире-и Сатуқ Буғрохон” қўлёзма асарининг лингвистик таҳлили ўтказилди. ташқарига. Бундан ташқари, Н.Ерим Сатуқ Буғрохон таржимаи ҳолининг транскрипсиясини тайёрлаган, унинг матни ушбу рўйхатнинг 65б-89б варақлари орасига ёзилган[16].

Турк тарихчиларининг Қорахонийлар давлати тарихига оид монографияларида Сатуқ Буғрохоннинг ҳаёти ва фаолияти, оиласи, номининг маъноси, ислом динини қабул қилиши, амакиси Ўғулжак Қодирхон билан курашига алоҳида эътибор берилган. Ва мусулмон бўлмаган турклар билан бўлган жанглари бу асарларда Сатуқ Буғрохон (942-955) ҳукмронлиги даври ва унинг Сомонийлар билан алоқалари ҳам ёритилган[13:Б.8-9;10:Б.78-81;24:Б.252-255;41:Б.115-124;25.] Бундан ташқари Й. Арифўғли ва Е. Сара асарларида Сатуқ Буғрохоннинг таржимаи ҳоли, унинг туркий-ислом тарихидаги ўрни тасвирланган[9] .

Мазкур сулола ҳукм сурган даврда ўлкамизда адабиёт соҳасида ҳам улкан ютуқларга эришилди. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул Ҳақойиқ”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарлари айнан шу даврда яратилгандир.

Мазкур мақолада Марказий Осиё туркий қавмларининг ижтимоий-сиёсий тарихи ва маданий ҳаёти,Сотуқ Буғрохон асос солган Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши ва бу даврдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Қорахонийлар давлати биринчи туркий – исломий давлатлардан бири сифатида шаклланганлиги, Кошғар, Болосоғун, Ўзган ва Самарқанд Қорахонийлар хоқонлигининг турли даврлардаги пойтахти бўлганганлиги хусусида олиб борилган тадқиқотлар, маҳаллий матбуот, интернетдан олинган манбалар, турли даврда чоп этилган илмий-маърифий, тарихий ва бадиий асарлардан ижодий фойдаланилган ҳолда тадқиқ қилишга ҳаракат қилдик.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, биз бугун фахр билан тилга оладиган буюкалломаларимизнинг аксарияти айнан шу даврда яшаб ижод этиб, жаҳон илм-фани ривожига муносиб улушларини қўшганлар. Ўлкамиз шаҳарларида қад кўтариб турган Бухородаги Миноаи Калон, Сурхондарёдаги Жарқўрғон минораси, Карманадаги Работи Малик, Сафедбулон мажмуаси, Ўзган минораси ва бошқалар айнан мазкур сулола даврида бунёд этилгандир. Бугун Самарқанд фахри ҳисобланган машҳур Шоҳи Зинда меъморий ёдгорликлар мажмуасининг бунёд этилиши ҳам айнан мана шу сулола вакиллари номи билан боғликдир.

Қорахонийлар даврида илм-фан тараққиёти ўзининг юксак чўққиларига эришди. Самарқандда фаолият юритган “Дорул Жузжония” илмий марказида ўз даврининг таниқли уламолари фаолият юритдилар. Айни дамда Самарқанд Ислом илмлари кенг тарқалган марказлардан бири бўлиб танилди.

Дарҳақиқат, бу даврда ўлкамизда адабий муҳитни шаклланиши натижасида адабиёт соҳасида ҳам улкан ютуқларга эришилди. АҳмадЮгнакийнинг “Ҳибат ул Ҳақойиқ”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарлари айнан шу даврда яратилди.Ҳозирги замон илмий жамоатчилиги XI асрнинг буюк олими Маҳмуд Қошғарийни қиёсий

тилшуносликнинг асосчиси, деб тан олди. Шунингдек, таълимий-ахлоқий масалалар билан шуғулланган ва Шарқ педагогик таълимотини ривожлантиришга йирик ҳисса қўшган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари ҳам ҳозирги кунда дунё олимларининг доимий эътиборида бўлиб,ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз озарбайжон, туркман, уйғур, инглиз, немис тилларида илмий таржималари ва тадқиқотлари нашр этилган. 2019 йилни ЮНЕСКО томонидан” Халқаро “Қутадғу билиг” йили деб эълон қилиниши бу асарнинг дунё тамаддунида беқиёс аҳамият касб этганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. ПФ-60-сон 28.01.2022. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида (lex.uz)//

2. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. – Т.:”Адолат". – Б.56.

3.Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. (Мерос туркуми)-Тошкент: Камалак, 1991.-Б.88-174.

4.Абул Фазл Байхаки. История Масъуда (Тарихи Маъсудий).-Москва: Наука, 1969.-1011 с.

5.Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форисий ал-Истахрийнинг «Китаб ал-масалик вал-мамалик» («Йўллар ва ўлкалар китоби») Тадқиқот, араб тилидан таржима, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Р. Т. Худайберганов.-Тошкент: Фан, 2019.- 480 б.

6.Abdurrahman V. Karahanlılar Devleti ile Koçu (İdikut) Uygur Devletinin Münasebetleri. Doktora Tezi. Ankara/ Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, 2001. - Б.69-75.

7.Абулғозий Баҳодурхон. Шажараи турк.-Тошкент: Чўлпон, 1990.-192 б.

8..Абдулаҳатов Нодирбек, Ғозиев Толибжон Бурҳониддин Марғиноний. - “Янги аср авлоди” Тошкент– 2010 ;

9. Arifoğlu Y. Veli Sultan Abdülkerim Satuk Buğra Han. İstanbul: Erdem Yayınları, 2022

10. Almaz A**.** ve Anat Y. Karahanlılar Tarihi. İstanbul: Oku Yayınları, 2003. – Б.79-81.

11. Бобобеков Ҳ., Ҳамидов, Ҳ.,.Холбоев С. Ўзбекистон тарихи(энг қадимги даврлардан, бугунги кунгача). – Т.: “ Fan va texnologiya”, 2018.

12. Бартольд В. В. Сочинения. Том I-IX.-Москва: Восточная литература, 1963-1977

13.Genç R. Karahanlı Devlet Teşkilatı. Ankara: Türk Tarih Kurumu, 2002. – Б.8-9.

14.Genç R. “Karahanlılar”, Doğuştan Günümüze Büyük İslâmTarihi, VI. c., İlmî müşavir ve redaktör: H. D. Yıldız, İstanbul: Çağ Yayınları, 1992, s.137-179.;

15.Çakır E. Satuk Buğra Han Tezkiresi Üzerine Halkbilimsel Bir İnceleme. Doktora Tezi. Ankara: Gazi Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, 2017.

16. Dilnoza Duturaeva. Qarakhanid Roads to China: A History of Sino-Turkic Relations. Brill - 2022.- 300 p.

16.Erim N. Tezkire-i Satuk Buğra Han (65b-89b). Giriş, Dil- Yazım Özellikleri, Transkripsiyonlu Metin, Dizin-Sözlük. Yüksek LisansTezi. İzmit: Kocaeli Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, 2011

17. Esin E. İslâmiyet’ten Önceki Türk Kültür Tarihi ve İslâm’a Giriş. İstanbul: Edebiyat Fakültesi Matbaası, 1978.;

18.Жувайний Алоуддин Атомалик. Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи) /Масъул муҳаррирлар Ҳ.Болтабоев, М.Маҳмудов. - Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2015.-504 б.

19.Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ул ард.-Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклпедияси, 2011.- 400 с.

20.Ибн ал Асир. Ал камил фит тарих (Польный свод истории).-Тошкент: Ўзбекистон, 2006.-560 с.

21.Кариев А.А. Бурхан-ад-дин ал-Маргинани и его место в истории **фикха.** Автореферат дс.канд.ист. наук. Т., 2001;

22.Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи.-Тошкент: Чўлпон, 1994.-352 б.

23.Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий.-Тошкент: Ўзбекистон, 2011.-704 б.

24.Necef E. N. Karahanlılar. İstanbul: Selenge Yayınları, 2005(252-255-бетлар)

25..Okudan G. Sarayı, Askerî ve İdari Yönleriyle Karahanlı Devleti’nin Teşkilat Tarihi. Ankara: İKSAD Yayınevi, 2019.

26.Richard P. McClary. Medieval Monuments of Central Asia Qarakhanid Architecture of the 11th and 12th Centuries.- Edinburgh: University Press, 2020.-341

27.Раҳмонов Н. Урхун битиклари. Қадимий ҳикматлар. Махсус муҳа ррир А.Қаюмов.Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1957, 23-бет.

28..Tekinoğlu H. İlk Müslüman Türk Devleti Karahanlılar. İstanbul: Kamer Yayınları, 2015

29.Ходжаев А., Турдиева Д. Қорахонийлар хоқонлиги тарихи Хитой Халқ Республикаси олимлари тадқиқотларида.-Тошкент: Фан зиёси, 2021.-148 б.

30.Шарафуддин Али Яздий Зафарнома. I китоб.-Тошкент: Фан, 2022.-352 б.

31.Шиҳобиддин Муҳаммад ан Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти.-Тошкент: Ўзбекистон-Ёзувчи, 1999.-432 б.

32.Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар.-Тошкент: Шарқ, 1999.-192 б.; Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Тошкент: Шарқ, 2001.-464 б.

33.Ömer Soner Hunkan. Türk Hakanlığı (Karahanlilar).-Istanbul: Iq kültür sanat yayincilik.-2011.-504 s.

34.Қориев О.А. “Ал-Марғиноний машҳур фиқҳшунос”.Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2000.

35.Қориев О.А. Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳониддин ал-Марғиноний. Т.: Фан, 2009

36.Қориев О.А. “Ал-Марғиноний машҳур фиқҳшунос”.Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2000. Қориев О.А. Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳониддин ал-Марғиноний. Т.: Фан, 2009

37. Қозоқов Тоҳиржон.Шарқфий Қорахонийлар дапвлати ва мўғул давлати муносабатларига доир айрим мулоҳазалар//Абдулкарим Сотуқ Буғрохоннинг туркий халқлар ўртасида давлатчиликни ташкил этишдаги ўрни ва тарихий аҳамияти мавзусидаги халқаро илмий- амалий конференцияси материаллари..Илмий нашр.Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: Раҳмонали - Ҳасанов, Шоира Орипова. – Т.: Турон ФА, 2021. – Б.117-124.

38.Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи.-Тошкент: Чўлпон, 1993.-240 б.

39.Ҳасанов Р. Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар.-

Т.:”Bookmany Print”,2023.

40.Маҳмуд Ҳасаний Ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ва унга ёзилган шарҳлар. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Т. 2000

41 Hunkan Ö. S. Orta Asya’da İlk Müslüman Türk Devleti: Türk Hakanlığı Karahanlılar (kuruluş-gelişme-çöküş). Ankara: HacettepeÜniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, 2005

42. Hunkan Ö. S. Türk Hakanlığı Karahanlılar. İstanbul: IQ Kültür Sanat Yayıncılık, 2011.

43.Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома (I китоб).-Тошкент: Шарқ, 1999.-416 б.

44.Ҳошимов Қ.,Нишонова С.,Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. – Т.” “Ўқитувчи”, 1996

45. Абдулкарим Сотуқ Буғрохоннинг туркий халқлар ўртасида давлатчиликни ташкил этишдаги ўрни ва тарихий аҳамияти мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари 2023 йил 25 май.//Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар Р.Ҳасанов, Ш Орипова. –Т.:Турон ФА, 2023. 184 бет.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ВИЛОЯТЛАРИ ДЕМОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРИ

Элёр Абдуллажонович Раҳмонов
Қўқон давлат педагогика институти “Тарих” кафедраси ўқитувчиси, PhD
elyor.rahmonov.84@yandex.com

Аннотация: Мазкур мақолада Фарғона водийси аҳолиси демографик ҳолатининг ўзига хослиги масаласига эътибор қаратилган бўлиб, аҳоли сонининг кўпайиши, туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш каби демографик жараёнларнинг водий вилоятлари ижтимоий-иқтисодий холатига таъсири тўғрисида маълумотлар ёритиб берилган. Шунингдек, ахолини ижтимоий химоялаш тизими, хусусан, аҳоли бандлиги даражаси, уй-жой муаммосига таъсир этувчи демографик омиллар: серфарзандлик, миграцион ҳаракат, аҳолининг зичлиги, аҳолининг табиий ўсиши статистик тўплар, архив материаллари ва илмий адабиётлар асосида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: демографик кўрсаткич, демографик ўзгариш, миграцион ҳаракат, урбанизация, “демографик барқарорлик”, аҳоли бандлиги даражаси, уй-жой муаммоси.

Аннотация: Данная статья посвящена специфике демографического положения населения Ферганской долины, влиянию таких демографических процессов, как прирост населения, рождаемость, смертность, браки, разводы на социально-экономическую ситуацию в долине. На основе статистических данных, архивных материалов и научной литературы анализируется система социальной защиты, в частности уровень занятости, демографические факторы, влияющие на жилищную проблему: рождаемость, миграция, плотность населения, естественный прирост населения.

Ключевые слова: демографический показатель, демографические изменения, миграционное движение, урбанизация, «демографическая стабильность», уровень занятости, жилищная проблема.

Annotation: This article focuses on the specifics of the demographic situation of the population of the Fergana Valley, the impact of demographic processes such as population growth, births, deaths, marriages, divorces on the socio-economic situation in the valley. The system of social protection, in particular, the level of employment, demographic factors affecting the housing problem: fertility, migration, population density, natural population growth is analyzed on the basis of statistical balls, archival materials and scientific literature.

Keywords: demographic indicator, demographic change, migration movement, urbanization, “demographic stability”, employment rate, housing problem.

Дунё мамлакатлари тарихида демографик жараёнлар ва уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири узоқ даврлардан бери шаклланиб келган бўлиб, барча халқлар меросининг ажралмас қисмига айланиб қолган ҳамда кишилик жамиятининг ижтимоий тараққтётида алоҳида аҳамият касб этиб келган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Республикада бошқа соҳалар сингари ижтимоий соҳа ҳам оғир аҳволга келиб қолган эди. Бунинг асосий сабабларидан бири эндигина мустақилликни қўлга киритган мустақил давлат ҳар жиҳатдан ҳали ўз йўлини тўғри танлаб олмаганлигида бўлди. Бу ҳолат барча собиқ Иттифоқдан ажралиб чиққан мамлакатларга хос умумий хусусият эди.

Ҳар бир мамлакатда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларида кенг иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишида инсон омилига алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аҳоли сонининг кўпайиши, туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш каби демографик жараёнлар ҳамма даврда ҳам ўзига хос йўлни босиб ўтган. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёти унинг географик жойлашуви, табиий шароити, турли хил ресурслари билан бирга демографик ўзгаришлари билан ҳам боғлиқдир. Шунингдек, мустақиллик йилларида Ўзбекистон жамиятини ҳар жиҳатдан ислоҳ қилиш даврида демографик вазиятни ҳисобга олиш, аҳоли динамикаси ва унинг таркиби, ҳудудларда меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва муносиб тақсимланиши, иқтисодиётда уларнинг бандлик даражаси чуқур ўрганиш муҳим омиллардан биридир.

Мазкур сабаблардан маълум бўлмоқдаки, мамлакатда демографик жараён ўзига хос мураккаб хусусиятга эга бўлиб, тарихан шакилланиб, тараққий этиб келган. Масалан, 1991 йилда республика аҳолиси 20607,7 млн. киши, 2011 йилда 28453,8 млн. киши, 2016 йилда 32120,5 млн. киши[3. -Б.17], 2020 йилга келиб эса 34,23 млн. кишини ташкил қилди.

XX асрнинг 80-йилларда, айниқса, унинг иккинчи ярмида, Фарғона водийси вилоятлари қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариш суръатларининг кескин пасайиб, танглик вазиятига тушиб қолиши ҳудуднинг ижтимоий ҳолатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатган. Мустақиллик арафасида, айниқса, аҳолининг иш билан бандлиги муаммоси муҳим ва ўткир тус олган эди. Ўзбекистон халқ хўжалигининг иш кучига ҳаддан ташқари тўйинганлиги, меҳнатга лаёқатли бўлса-да, ишламайдиган аҳолининг миқдори ўсишда давом этаётганлиги, иш кучи талаб ва таклифининг миқдорий ва сифат жиҳат¬дан номутаносиблиги, узоқ йиллар давомида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда миллий-этник ва ижтимоий омилларнинг ҳисобга олинмаганлиги кишиларнинг турмуш даражасига жиддий зарар етказиб, жамиятда ижтимоий кескинликнинг манбаи бўлиб хизмат қилган.

Мустақиллик остонасидаги дастлабки қийинчиликлардан сўнг мамлакат иқтисодий жиҳатдан барқарорликка эриша бошлаган. Ва бунинг самараси ўлароқ секинлик билан бўлса-да аҳолининг турмуш даражаси ижобий томонга ўзгариб, оилаларнинг даромади ортган, моддий жиҳатдан аҳволлари яхшиланиб, 2005 йилда “демографик барқарорлик”ка эришилган[3.-Б.49].

Мамалакатда ўзига хос демографик хусусиятга эга бўлган ва аҳолиси зич жойлашган ҳудудлардан бири бўлган Фарғона водийсида аҳоли динамикаси ва уларнинг таркибини таҳлил этиш алоҳида аҳамиятга эга ҳасобланади. Чунки, бу ер меҳнат ресурсларига бойлиги ва аҳоли сони кўплиги бўйича республикада юқори ўринларни эгаллаб келган. Вилоят статистика бошқармалари берган маълумотларга кўра, 1991 йилда водийнинг уч вилоятида жами 5555,4 мингта аҳоли истиқомат қилган[7].

Бугунги кунда Фарғона вилоятида уч, Андижон ва Наманган вилоятларида икки милиондан олтиқ инсонлар яшаб, ўз меҳнат фаолиятлари билан шуғулланиб келмоқда. XXI асрнинг бошларида Фарғона вилояти аҳолиси Сирдарё вилояти аҳолисидан тўрт, Навоий вилоятининг аҳолисидан эса уч ярим баробар кўпроқни ташкил этган. Мос равишда Андижон ва Наманган вилоятлари аҳолиси Сирдарё вилояти аҳолисидан уч марта, Навоий вилояти аҳолисидан 2,7 марта, Жиззах вилояти аҳолисидан эса 2 баробар кўп бўлганлиги ҳам юқоридаги фикрларни тасдиғидир[8.-С.58].

Мустақилликнинг илк давридан ҳозиги вақтгача шаҳар аҳолисига нисбатан қишлоқ аҳолиси сони ҳамда табиий кўпайиши юқори бўлиб келган. Манбаларда таъкидланишича, республикада биргина 1991 йилнинг ўзида қишлоқларнинг аҳолиси 32,2 фоизга, шаҳар аҳолиси эса 19,2 фоиз ортган. Шунингдек, 2000-2005 йиллар давомида шаҳар аҳолиси 1 млн.га кўпайгани ҳолда қишлоқларнинг аҳолиси 4,4 млн.га ошган[9.–Б.15]. Бунинг асосий сабаби шаҳарларда қишлоқларга нисбатан аҳолисининг камлиги ва миграция жараёнларида уларнинг фаоллигида эди.

Республикада сўнги йилларда амалга оширилаёнган ислоҳатлар, хусусан, шаҳарлар сонининг кўпайтириш ва мавжудларининг инфратузилмасини тубдан ислоҳ қилиш борасида қилинаётган кенг бунёдкорлик ишлари самараси ўлароқ шаҳарларда аҳоли сони ортиб бормоқда. Уларда урбанизация жараёнлари сезиларли даражада кўтарилган ва 2016 йилда республика умумий аҳолисининг 50,6 фоизи шаҳарлар, 49,4 фоизи эса қишлоқлар ҳиссасига тўғри келди[10.-Б.21]. Масалан, Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотларга кўра, 2010-2020 йилларда шаҳар аҳолиси қишлоққа нисбатан мунтазам ўсиб борганлигини кузатиш мумкин. 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра вилоят ҳуддидаги доимий аҳолининг умумий сони 3 млн. 229,4 минг кишини ташкил этган бўлса, шундан 1 млн. 852,4 минг киши шаҳарларда 1 млн. 376,8 минг киши қишлоқларда

истиқомат қилган. 2020 йилда эса шаҳар аҳолиси 2 млн. 117,7 минг,қишлоқ аҳолиси эса 1 млн. 634,3 минг кишини ташкил қилган[4]. Бундан кўриниб туриб тики, вилоятда кўрсатилган йилларда шаҳарларнинг аҳолиси қишлоқ аҳолисига нисбатан кўпчиликни ташкил қилган. Бу каби жараёнларни Наманган ва Андижон вилоятлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Водий вилоятларини демографик жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолганлигининг асосий сабабларидан бири республика умумий ер майдонининг атига 4 фоизини эгаллаган Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида республика аҳолисининг қарийб 30 фоизи жамланганлигида эди[2.–Б.99]. Чунки, минтақада аҳолининг зичлиги, оилаларнинг кўп болалиги, миграцион ҳаракатнинг сустлиги ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир ўтказган.

Фарғона водийсидаги демографик хусусиятларнинг ўзи хос мураккаб жиҳатларидан яна бири шундаки, бугунги кунда дунё бўйича глобал муаммолардан бири айланиб бораётган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки аҳоли сонининг йилдан-йилга муттасил равишда кўпайиб бориши, янги уй-жойларга бўлган аҳоли талабини қишлоқ ҳўжалиги экин майдонлари ҳисобига амалга оширилишига олиб келади. Бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажмига таъсир этмасдан қолмайди.

Шу боис Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва демографик жараёнларига тўғри баҳо бериш, ҳудудлардаги аҳолининг такрор барпо бўлиши натижасида юзага келадиган аҳоли бандлиги даражасини ошришга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, Фарғона водийси каби аҳоли зич жойлашган ва тез ўсиб борувчи ҳудуд учун уй-жой муаммосининг ижтимоий аҳамияти ва кескинлиги бу муаммога жиддий муносабатда бўлишни тақозо этган. Лекин совет тузуми йилларида, хусусан, 80-йилларда ҳам уй-жой билан аҳолини тўла таъминлаш тўғрисида турли хил тадбирлар ўтказилган, тавсиялар белгиланган ва кўплаб қарорлар қабул қилинган. Аммо, бу муаммо Фарғона водийсида энг кескин ижтимоий муаммолардан бири бўлиб қолаверган.

Ўзбекистон Республикаси демографик йиллик тўрламларнинг ҳисоботларига кўра, сўнги йилларда Фарғона водийси аҳолисининг демографик кўрсаткичлари республиканинг бошқа вилоятларига нисбатан паст бўлиб, аҳолининг туғилиши мамлакат бўйича Андижон вилоятида 24,1%, Наманган вилоятида 24%, Фарғона вилоятида эса 22,8 %ни ташкил қилган. Ўз навбатида ўлим кўрсаткичи, республикада 4,9% га тенг бўлиб, шундан Фарғона вилоятида 5,5%, Андижон вилоятида 5,2 % ва Наманган вилоятида 4,7% ни ҳосил қилган[11.–Б.103-104].

Шу билан бирга Фарғона вилоятидаги демографик вазият таҳлил етилганда шу нарса маълум бўлдики, сўнги йилларда вилоят аҳолиси мунтазам ўсиб борган. Архив маълумотларига қараганда Фарғона вилоятида аҳоли сони 2010 йил 1 январ ҳолатига 3 млн. 48,7 минг, меҳнат ресурслари эса 1 млн. 720,1 минг нафарни ташкил этган[12. 25-рўйхат, 1-жилд, 52-варақ]. Ва бу ҳолат тараққий этиб, вилоятда аҳоли сони ўсиб борганини кузатиш мумкин. Масалан, Фарғона вилояти статистика Ахборотномаси маълумотларига кўра, 2014 йил 1 январ ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3445,3 минг кишини ташкил қилган ва йил бошидан буён 58,8 минг кишига ёки 1,7 фоизга кўпайган ва аҳолининг табиий ўсиши 59,5 минг кишини ҳосил қилган[6–Б.30].

Фарғона вилоятида 2017 йилда демографик ҳолат ўзининг барқарор ўсишида давом этган. 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра вилоят доимий аҳолисининг умумий сони 3 620,1 минг кишини ташкил этиб, 2016 йил бошидан бери 55,3 минг кишига ёки 1,6 фоизга кўпайган. Шундан, 2 049,6 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 56,6 фоизи) ва 1 570,5 минг киши – қишлоқ жойларида (43,4 фоизи) истиқомат қилган[5.–Б.57]. Бундан кўринадики, мазкур йилда ҳам шаҳар аҳолиси қишлоқ аҳолисига нисбатан кўпчиликни ташкил этган.

Бу каби демографик ўзгаришлар Андижан ва Наманган вилоятларида ҳам кузатилиб, ўзига хос тарзда тарққий этган ва аҳоли мунтазам ўсиб борган. Масалан, Наманган вилоятида 2003 йилда 2042,5 минг аҳоли яшаган бўлса, 2020 йилда эса 2867,4 минг аҳоли яшаган[1]. Бундан кўриниб турибтики, вилоятда аҳоли мунтазам ўсиб борган ва бу туғилиш ва янги кўчиб келганлар ҳисобига амалга ошган эди.

Фарғона водийси Ўзбекистон Республикасида энг урбанизциялашган ҳудудлардан бири бўлиб, умумий аҳолининг 61,2 % шаҳарларда яшайди ва бу ҳолат бутун мамлакатда жами шаҳар аҳолисининг 32,3 % ташкил этади[14.–Б.160]. Бунда шаҳар аҳолиси сони Андижон вилоятида 52,5 фоиз, Фарғона вилоятида 57,0 фоиз ва Наманган вилоятида 63,4 фоизни ҳосил қилган[15.–Б.66].

Шунингдек, Фарғона водийси республикада аҳолиси энг кўп ва зич жойлашган ҳудуд ҳисобланиб, ўрганилаётган даврда минтақада туғилишнинг ўртача даражаси 23,1% билан республика минтақалари орасида тўртинчи ўринни, табиий кўпайишнинг ўртача даражаси 18,2% билан бешинчи ўринни эгаллаган[10.–Б.25]. Аҳолини ўсиши суръати бўйича энг юқори ўнинни 3,78 % билан Наманган вилояти, энг паст кўрсаткични 2,85 % билан Фарғона вилояти эгаллаган. Шу билан бирга 1990-2000 йилларда Наманган вилояти аҳолиси 4,25 % га кўпайган бўлса, Фарғона вилояти аҳолиси 2,0 % га ўсган. Бу фарқли ҳолатлар аҳолининг миллий таркиби, ташқи миграция ҳамда урбанизация билан

боғлиқ бўлган[15.–Б.40]. Сўнги йилларда Республика аҳолисининг кўпайиши билан бир қаторда унинг ҳудудларида аҳоли зичлиги ҳам ошиб бормоқда.

Умуман олганда Фарғона водийси қадимдан ўзининг табиий шароити ва ерларининг унумдорлиги боис инсонларни ўзига тортиб келган. Бунинг самараси ўлароқ минтақада кўп асрларда давомида кўплаб одамлар ташриф буюриб, водий уларнинг севимли ватанига айланиб қолган.

Хулоса қилиб айтганда Фарғона водийси Ўзбекистон Республикасининг энг аҳолиси зич минтақаларидан бири бўлиб, у ўзига хос демографик вазиятни вужудга келтирган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатнинг барча минтақаларида бўлгани каби водий вилоятларида ҳам аҳоли сони кам бўлиб, йиллар давомида мунтазам равишда унинг салмоғи ортиб борди. 1991-2020 йиллар оралиғида мамлакат минтақалари доирасида табиий ўсишининг энг юқори кўрсаткичи Жанубий минтақа (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари) ҳиссасига тўғри келган бўлса, Фарғона водийси бу борада бешинчи ўринни эгаллади (жами олтита минтақа бор-Э.Р.). Мустақиллик даврида водий вилоятлари аҳолиси сонига кўра бир-биридан фарқланиб, унда етакчиликни Фарғона вилояти эгаллаган ва у ерда водий аҳолисининг 38,9 фоизи яшаган. Андижон вилоятида эса водий аҳолисининг 32,3 фоизи, Наманган вилоятида эса 28,7 фоизи истиқомат қилган. Водий вилоятлари аҳолисида мустақиллик йилларида демографик кўрсаткичларда муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Бу туғилиш ва ўлим кўрсаткичларида, аҳолининг миллий таркиби, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти нормаларида намоён бўлди.

Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Наманган вилояти сатистика бош бошқармаси маълумотлари.Наманган 2020 йил
2. Рахматуллаев Ш. “Фарғона водийси шаҳарларида иқтисодий трансформация жараёнлари (1991-1996 йиллар)”. -Т.,”Нишон ношир”, 2017.
3. Тожиева Н.З. Ўзбекистон Республикасида демографик жараёнлар ва уларнинг ҳудудий хусусиятлари. География фанлари доктори(DSc) ...дисс.автореферати-Тошкент, 2017.
4. Фарғона вилояти статистика бошқармасининг 2020 йилги маълумотлари.
5. Фарғона вилоятининг статистик Ахборотномаси. 2017 йил январ-декабр.–Фарғона 2017.
6. Фарғона вилоятининг статистик Ахборотномаси. 2014 йил январ-декабр.–Фарғона 2014.
7. Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари Статистика бошқармаси маълумотлари. 2020 йил.

8. Численность населения Узбекистана. Госкомстат Узбекистана.-Т.,2007.

9. Юсупова С.Н. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири(1991-2016 йиллар Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари мисолида) (PhD) ...дисс.автореферати – Андижон. 2019.

10. Ўзбекистон демографик йиллик тўплами.-Тошкент, 2017.

11. Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. Статистик тўплам.–Тошкент., 2016.

12. ЎзР ПДА Фарғона вилояти бўлими, 2048-фонд.

13. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами.–Тошкент, 2017.

14. Қаюмов А.А., Якубов Ў.Ш., Абдуллаев А.Г. Аҳоли географияси ва демография асослари.–Т., Фан ва техналогиялар.2011.

15. Қодиров Р.Б. Фарғона минтақаси аҳолиси ва меҳнат ресурслари.–Т., “Navro’z”, 2016.

16. Abdullajonovich, R. E., & Kholmatov, M. M. (2022). THE SIGNIFICANCE OF YOUTH SUPPORT IN THE PROCESS OF SOCIAL PROTECTION OF THE POPULATION IN UZBEKISTAN. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(10), 337-342.

17. Abdullajonovich, R. E., & Kholmatov, M. M. (2022). THE PROCESS OF PROVIDING THE POPULATION WITH HOUSING IN THE SYSTEM OF SOCIAL PROTECTION IN UZBEKISTAN.(In the case of the Fergana Valley, 2016-2020). INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(10), 346-350.

18. Rahmonov, E. A. (2022). FACTORS AFFECTING THE SOCIO-ECONOMIC CONDITION OF THE POPULATION IN THE FERGANA VALLEY IN THE YEARS OF INDEPENDENCE. American Journal of Research in Humanities and Social Sciences, 7, 71-74.

19. Meliquziyevich, M. M., & Abdusalomovich, A. A. (2022). About One Of “Vakf” Manuscript. Journal of Positive School Psychology, 129-131.

20. Meliquziyevich, M. M. (2022). ON SOME ASPECTS OF LAND-WATER RELATIONS IN THE KOKAND KHANATE. ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(12), 346-351.

21. Аманов А.А. и Ахмадалиев М.И. (2022). СОВРЕМЕННАЯ НАУКА И ОБРАЗОВАНИЕ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ. Американский журнал педагогических и образовательных исследований, 7, 125–128.

22. Akbarov Q. TRADE RELATIONS BETWEEN KOKAND KHANATE AND EASTERN TURKEY //Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 4. – С. 4-8.

23. Акбаров Қ. “SADOI FERGANA” NEWSPAPER COVERAGE OF LOCAL ENTREPRENEURS IN THE EARLY XX CENTURY: https://doi. org/10.47100/conferences. v1i1. 1244 //RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES. – 2021. – №. 18.05.

24. Ҳамрақулов, С. С. (2017). FORMATION AND DEVELOPMENT OF PERIODICAL PRINTING IN FERGANA REGION. Научная дискуссия: вопросы социологии, политологии, философии, истории, (6), 50-55.

25. Kambarovich, N. T. (2022). Economic Cooperation of the Bukhara Peoples Soviet Republic with Sweden. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(12), 231-235.

26. Kambarovich, N. T. (2022). ECONOMIC COOPERATION OF THE BUKHARA PUBLIC SOVIET REPUBLIC (BPSR) WITH ITALY. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(12), 220-224.

27. Abduqosimovich, T. S., & Abdullajonovich, R. E. (2022). TAX POLICY OF THE SOVIET STATE IN UZBEKISTAN AGRICULTURE IN THE 1920s. International Journal of Early Childhood Special Education, 14(7).

ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Ражабова Н.Н.
т.ф.н., доцент Қарши давлат университети

Резюме: Мазкур мақолада Зарафшон воҳасининг тош даврига оид ёдгорликларида олиб борилган археологик изланишлар ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: тош даври, палеолит, илк палеолит, ўрта палеолит, сўнгги палеолит, мустье, Зарафшон воҳаси, Омонқўтон, Қўтирбулоқ, Самарқанд манзилгоҳи, Такалисой макони, Сиёбча.

Резюме: В данной статье рассматриваются изучения археологических работ эпохи камня в долине Зарафшан.

Ключевые слова: каменный век, палеолит, ранний палеолит, средний палеолит, последний палеолит, мустье, Зарафшанский оазис, Аманкутан, Кутурбулак, Самаркандская стоянка, Такалисай, Сиябча.

Summary: In this article are considered the study of archaeological works of the Stone Age in the Zarafshan Valley.

Key words: stone age, paleolithic, early paleolithic, middle paleolithic, last paleolithic, mousterian, Zarafshan Valley, Amankutan, Kuturbulak, Samarkand, Takalisay, Siyabcha.

Ўрта Осиёда палеолит даврининг ўрганилиш тарихи 1938 йилдан бошланади. Бу йилда А.П. Окладников томонидан Тешиктош ғори топилади ва мусте даври маданияти ҳамда неандертал типга мансуб одам суяклари топилади. Бу эса Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам илк палеолит даврига оид ёдгорликларини топиб ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Палеолит даври ёдгорликларида Д.Н. Лев, Б.А. Ранов, М.М. Герасимов, Р.Ҳ. Сулейманов, М.Р. Қосимов, Н.Х.Тошканбоев, Ў.И. Исломов ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилди ҳамда давом эттирилмоқда.

Зарафшон водийсининг тоғли туманлари одамзоднинг илк аждодлари томонидан қадимги тош даврининг мустье босқичидан бошлаб ўзлаштирилган. Бу ҳақидаги дастлабки маълумотларни узоқ йиллар давомида Самарқанд давлат университети тарих факультети Археология кафедрасида фаолият юритган археолог Д.Н.Лев тадқиқот натижалари акс этган мақолаларидан олиш мумкин[30].

Зарафшон воҳасида илк палеолит даврига оид Омонқўтон ғор-макони Самарқанд вилоятидаги Зарафшон тоғ тизмасининг ғарбий ёнбағрида

[30] Лев Д.Н. Древний палеолит в Аманкутане. Труды УзГУ. Вып 39. СЭ. М., 1949. №1., Лев Д.Н. Новые находки в пещере Аманкутан. Природа. М., 1958. №1.

жойлашган Омонқўтон қишлоғи яқинида жойлашган. Ғорнинг кенглиги 1,5 м, баландлиги 0,9 м, чуқурлиги 25 м. Ғор-маконнинг маданий қатламларидан қирғич, пайкон, пластинкалар, нуклеуслар, қўл чопқилари, Осиё муфлони (архар), қўнғир айиқ, тоғ эчкиси суяги, гулхан қолдиқлари топилган. Бу ерда яшаган қадимги одамлар асосан овчилик ва термачилик билан шуғулланишган.

Яна бир макон Қўтирбулоқ макони бўлиб, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманидаги Чархин қишлоғидан 700-800 м узоқда жойлашган очиқ манзилгоҳдир. Бу ердан кўплаб пайконлар, қирғичлар, чоппинг, чоппер, ясси нуклеуслар, фил, тур, буғу, ёввойи от, Бухоро буғуси суяги қолдиқлари, гулхан ва кул қолдиқлари топилган.

Мустье даврига оид ёдгорликларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мустье неандерталлари ғорларда ҳам, улкан мамонт суякларидан қилинган турар жойларда ҳам яшаганлар. Мазкур даврда одамлар оловни сақлабгина қолмай, балки ёғочни бир-бирига ишқалаш йўли билан ёки чақмоқтошни бир-бирига уриш натижасида олов ҳосил қилишган.

Ўрта палеолит даври одамларининг асосий машғулоти мамонт, бисон, буғу, тоғ эчкиси, архар ва бошқа ҳайвонларни овлаб кун кўриш бўлиб, овчилик улар ҳаётида муҳим ўрин тутган. Овчилар чақмоқтош, ўқ қадалган найзалар, гавронлар билан қуролланган эдилар. Лекин термачилик ҳам улар хўжалик ҳаётининг асосини ташкил этган.

Мустье даври кишилари неандерталлар ҳисобланиб, ҳали уларнинг ташқи қиёфасида маймунга хос белгилар бирмунча сақланиб қолган эди. Уларда ҳозирги қиёфадаги кишиларга ўтиш жараёни бораётган, ишлаб чиқариш қуроллари такомиллашаётган, нутқ маданияти ўса бориб, фикрлаш анча ошган, олов сунъий тарзда яратила бошланган. Мазкур даврда ибтидоий тўдадан уруғчилик тузумига ўтила бошланган. Шунингдек, бу даврда мурдаларни сунъий тарзда ковланган қабрга кўмиш биринчи бор қўлланилганки, бу анча мураккаб ғоявий тушунчалар пайдо бўлганлигидан далолатдир.

Д.Н. Лев Самарқанд шаҳридан 50 км лар чамаси жануби-шарқда Тахтақарача довонининг яқинидан Омонқўтон ғорини топди. 1966 йилдан бошлаб эса, Гўрдара, 1951-1952 йилларда эса, Такалисой ғорларини топиб ўрганди. Бу ҳар иккала ғор қадимги тош даврининг мустье даврига тегишли эканлиги маълум бўлди.

1971 йили Н.Х.Тошкенбоев томонидан Зирабулоқ тоғ этакларидан мустье даврининг йирик объектлари – Зирабулоқ ва Қўтирбулоқ ёдгорликлари топилди. Зирабулоқни қазиш вақтида (1971-1972 й) беш горизонтдан иборат маданий қатлам очилиб, 200 м. квадрат майдондан жуда бой мустье даври тош

индустрияси топиб ўрганилд[31]. Айниқса Қўтирбулоқни ўрганиш пайтида қуйи тош даврининг мустье даври тош қуролларини топилиши катта муваффақиятлардан дарак берди.

Қадимги тош даврининг юқори палеолит босқичига келганда ибтидоий аждодларимиз нафақат Зарафшон водийсининг, тоғолди ва тоғли ҳудудлари, балки воҳа доирасидаги адирсимон тепаликларни ёриб ўтган сой бўйларида, улар ҳосил қилган кўл ёқаларида макон топганлар.

Юқори палеолит даврига тегишли тош қуроллар Чўпонота тепалигидан, Самарқанд шаҳрининг ҳар хил нуқталаридан, Оғаликсой бўйларидан, Ургут туманининг Гўрдара ғоридан, Равотхўжа яқинидан, Сиёбча ва Сиёб сойи қўшилишидан, Афросиёбдан шимолда, Сиёбча жарлигидан чақмоқтошдан ишланган типик тош қирғичи топилган ва ниҳоят юқори палеолит даврига оид ноёб хўжа мазгил манзилгоҳи Булунғур тоғидан ёриб чиққан зилол чучук сув ҳосил қилган қадимги кўл ёқасидан топиб ўрганилган.

Таъкидлаб ўтганимиздек, юқори палеолит ёдгорликлари орасида Самарқанд манзилгоҳи алоҳида аҳамият касб этади. Н.Г.Харламов 1939 йил биринчи марта Чашмасиёб сойининг жарлиги ва шаҳар “Динамо” стадиони қурилиши майдонидан бир неча тош қуролларини териб олгач, бўлажак ёдгорлик майдонида 3 та шурф қазийди ва анчагина тош қуроллари ва ҳайвон суякларини териб олган. Аммо, у топилмалардан музей фондида атиги бир неча тош парақаларигина бизгача етиб келган[32]. Кейинчалик ёдгорликда М.Жўрақулов ҳам қатнашиб, ёдгорликда тош қуроллар ва жуда бой маданий қатлам очишга муваффақ бўлишган. Бу ёдгорлик нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё ҳудудида машҳур бўлди. Айниқса бу ёдгорликдан топилган ва мустье даврига оид тош қуролларнинг, чопперларнинг мавжудлиги, уни маданий ривожланиш жиҳатидан Сибир-Хитой минтақалари билан яқиндан алоқада бўлганлигидан далолат беради. Яъни бу жой меҳнат қуроллари мажмуасида архаик элементлар ҳамда илк мезолит қуролларига хос баъзи белгиларни учраши билан белгиланади. Режага кўра у тўғри тўртбурчак шаклга эга. Унинг майдонида гулхан, тошдан қурол ишлаш устахонаси, меҳнат қуроллари, охра излари, ҳайвон суяклари учрайди. Д.Н.Левнинг таъкидлашича, ўрганилган уй қолдиғи чашма қайнаб нам қилган терраса асосида жойлашган. У яхши сақланган, диаметри 6-8 см ли устунчаларга ўрнатилган. Терраса устида устун излари учрамайди, бу ертўланинг бир қисми бўлиши мумкин. Ўрганилган ертўланинг майдони 60 кв. м. 1970 йилда ер сатҳидан 240 см чуқурликдан одамнинг болдир суяги топилди. Гарчи унинг яқинидан, қўзғатилган маданий

[31] Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. Ташкент.: Фан, 1980. -с.5.
[32] Лев Д.Н. Поселение древнекаменного века в самарканде (исследования 1958-1960 гг.). Труди СамГУ. Вып.135.. Самарканд.1964.

қатламдан юқори палеолит даври тош қуроллари ва баъзи бир сопол парчалари учратилган бўлсада, топилма муаллифлари одам болдир суягини сақланиш характерига кўра, уни Homo sapiens вакилига тегишли эканлигини тасдиқлайдилар. Шу жиҳатдан ҳам Самарқанд манзилгоҳининг Ўрта Осиё ҳудудларида юқори палеолит муаммоларини ўрганишда ўрни ва роли аҳамиятлидир[33].

Қазишма жараёнида 100 кв. м га тенг келадиган тўғри бурчак шаклидаги чайла қолдиғи топилган. Чайла сой бўйига жойлашган бўлиб, ибтидоий одамларнинг кундалик ҳаёти шу сой соҳилида овчилик билан кечган. Чайла ўрнида гулхан қолдиғи, тош қуроллар тайёрлайдиган майдончалар, чайла устунларининг қолдиқлари топилган.

Сўнгги тош асрига келиб, мусте даври неандертал одами ўрнини ҳозирги қиёфадаги кроманон одами эгаллай бошлайди. Самарқанд маконидан ҳам кроманон одами суяги қолдиқлари топилган. Археологик қазув ишлаи жараёнида 3 м 20 см чуқурликда ҳозирги қиёфадаги одамнинг пастки жағ суяги ва 9 та тиши, қўл суяк-лари топилган. Антрополог олим Т.Ходжаёвнинг тадқиқоти натижасида топилган суяклар 25 ёшлар атрофидаги аёлга мансуб эканлиги аниқланди.

Кейинги қатламда олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида 2 м 80 см чуқур-ликдан одамнинг 10 та тиши ва пастки жағ суяги топилди. Олиб борилган антропологик тадқиқотлар уларни 35 ёшли аёлга тегишли эканлиги аниқланган. Шунингдек, ёш болага тегишли озиқ тиши ва пастки жағи топилган. Тош қуроллари билан бирга денгиз чиғаноғи, оқ қайроқ тош топилган. Улар аёллар учун тақинчоқ ёки тумор вазифасини бажарган.

Такалисой ғори. Самарқанддан 50 км жануби-шарқда бўлиб, Тахтақорача довони раёнида денгиз сатҳидан 2000 м баландликда жойлашган. Ғордан нуклеуслар, парракчалар, учриндилар, тош пичоқ, қирғич ва бошқа тош қуроллари, кул қолдиқ-лари, турли ҳайвонларга тааллуқли суяклар топилган.

Олимларнинг фикрича, Такалисой ғорида яшаган ибтидоий кишилар омонқўтон-ликлардан анча кейин, сўнгги палеолит даврида – уруғчилик тузумига ўтиш даврида яшаган бўлишлари мумкин.

Юқори полеолит даврининг яна бир классик ёдгорлиги 1939 йилда геолог Харламов томонидан Самарқанд шаҳридан ўтган қадимги Сиёбча сойи ёқасидан топилди. Бу маконда узоқ йиллар СамДУ олимлари иш олиб борадилар. Натижада, макондан ҳайвон суяги қолдиқлари, одам скелетига доир материаллар топилади. Археологлар Д.Лев ва М.Жўрақуловлар маконни қазиш вақтида ундан чайласимон кулбанинг излари ва унинг марказидан кул қатлами билан ўчоқ

[33] Джуракулов М.Дж. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. Отв. Ред. Г.П.Григорьев. Ташкент.: Фан, 1987. -171 с.

қолдиғига дуч келади. Кейинчалик археологлар Сиёбча сойининг бошқа нуқталаридан шу даврга мансуб яна бир неча маконларни аниқлайдилар. Аммо уларда инсон фаолияти изларини кўрсатувчи маданий қатламлар яхши сақланмаган эди. Шундай бўлсада, бу ердаги крамонъон одами ва ҳайвон суяклари билан бир қаторда аёлларнинг тақинчоқлари қолдиқлари бўлган-тешилган данаклар топилган.

Мезолит ва неолит даври манзилгоҳлари Самарқанд воҳасида Қоратепа массиви туманларида, Сазоғонсой террассаларида, Нурота тоғ тизмаларининг Қоратоғ ёнбағирларида, Учтут яқинида, Учтут яқинида, Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзаларида, яъни Қизилқум чўлининг Амударё томон ёриб ўтган Мохандарё ҳосил қилган Катта тузкон, Кичик тузкон, Қорангишўр кўллари соҳилларида топиб ўрганилди. Улар орасида археологик материалларнинг кўп даврга тегишлиги билан Сазағонсой терассаларида таркиб топган мезолит ва неолит даври ёдгорликлари алоҳида аҳамият касб этади.

Палеоботаника илмий изланишларига кўра, Қоратепа массиви туманлари, айниқса Сазағонсой водийси ўз вақтида қалин ўрмон билан қопланган бўлган, овчилик хўжалиги учун жуда қулай бўлган. Археологик материаллар Сазоғонсой райони мезолит давридан бошлаб аждодлар томонидан ўзлаштирила бошлаганлигидан далолат беради. Айнан шу ҳудуд тарихимизнинг кейинги жуда кўп босқичларида ҳам маълум бир гуруҳ лалмикор-чорвадорлар макони бўлиб келади[34].

Зарафшон дарёсининг қуйи оқимларида ҳам неолит даври қабилаларининг бу ҳудудларни кенг миқёсда ўзлаштирганликларини кўришимиз мумкин. Милоддан илгариги IV минг йилликнинг бошларида Амударёнинг қуйи ҳавзаларини ўзлаштирган овчи қабилаларининг бир гуруҳи милоддан илгариги IV минг йилликнинг бошларидан Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзаларига ҳам келиб ўрнашишди.

Ҳар икки ҳолатда ҳам қадимги аждодлар эътиборини Ўрта Осиёнинг азим дарёлари – Амударё ва Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларида ҳосил бўлган ўлжага бой табиий чакалакзорлар ва балиққа сероб кўллар ўзига тортган эди. Шу боис, мезолит ва неолит даври ёдгорликларини Қизил қум ичра Орол денгизи томон таралган дарё ва сой бўйларида, улар йўналиши бўйлаб таркиб топган катта-кичик кўл ёқаларида, тақир ёки қум устида мавсумий манзилгоҳлар сифатида учратиш мумкин[35].

Я.Ғ.Ғуломов бошчилик қилган Моҳандарё комплекс археологик экспедицияси бир неча йил давомида қуйи Зарафшон дарёси ҳавзасида

[34] Джуракулов М.Дж., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. Ташкент.: Фан. 1991. -С.19.
[35] Гулямов Я.Г., Исламов У.И., Аскаров А.А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зерафшана. Ташкент.: 1966. -296 с.

археологик изланишлар олиб бордилар. Бу ерда Я.Ғ.Ғуломовнинг шогирдлари Ў.Исломов (неолит), А.Асқаров (бронза) даврини ўрганишиб, биргина Катта тузкон атрофларида 35 та манзилгоҳ топиб ўрганилди. Неолит даври манзилгоҳлари Кичик тузкон, Эчки Қирон, Қоронғи шўр атрофларидан, Пойкенд ва Қумсултон атрофларида ҳам неолит даври жамоаларининг манзилгоҳлари топилди. Афсуски бу манзилгоҳлардаги турар-жой маконларининг қолдиқлари яхши сақланмаган эди. Аммо Дарвозақир II Катта тузкон кўлининг шимоли-ғарбидан топилган. Ёдгорликнинг топографик жойлашувига кўра, унинг шимолий ва шимоли-шарқий томондан баланд қиртепа ўраб олган. Унинг жануби-шарқий томонидан қирни кесиб ўтган сой ўтган. Шарқдан шимоли-ғарбий томон кетган бу сойлик Одилқудуқ, Хўжақудуқ, Учбош, Газлига олиб борувчи чўл йўлига айланиб, бу жой теварак атроф маҳаллий аҳоли ўртасида “Дарвозақир” номи билан аталиб келинади.

Бу манзилгоҳда ибтидоий баликчи ва овчилар яшаган манзилгоҳ (чайла) очиб ўрганилган. Бу чайла қолдиғи тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, унинг ҳажми 81 кв м. ташкил этади. Чайла шакли унинг тақирга ўйилган ёғоч устун чуқурчаларини яхши сақланганлиги туфайли аниқ кўзга ташланиб турар эди. Бир-бирлари билан симметрик тартибда ўйилган чуқурчалар икки қатор бўлиб, улар бири иккинчиси ичига жойлаштирилган иккита тўғри тўртбурчакни ташкил этади. Чайланинг ичида ўчоқ излари топилмаган. Ўчоқ чайланинг ташқарисида, унинг шимоли-ғарбий бурчагида бўлган.

Хулоса тариқасида Зарафшон воҳасида тош даврига оид ёдгорликларни ўрганишда ўзининг катта ҳиссасини қўшган олимларнинг самарали меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Тош даврига оид ёдгорликларни тадқиқ этиш натижасида эса Зарафшон воҳасида тош даврида истиқомат қилган ибтидоий аждодлар маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва уларнинг кундалик турмуш тарзи ҳақидаги тасаввурларни кенгайтирди, олинган натижалар илмий муомалага киритилди.

РАҚОБАТБАРДОШЛИККА ЭРИШИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ

Яхшиева Мавлуда Турсуновна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Фундаментал иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий глобаллашув жараёнларининг мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигига таъсири, жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида халқаро даражадаги рақобат муҳитига мослашиш ҳамда рақобатбардошликни оширишда давлатнинг инвестицион сиёсати билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, рақобат, интеграция, халқаро миграция, инновацион фаоллик, инфратузилма, ижтимоий соҳа, экспорт-импорт, инвестиция, бозор.

Аннотация. В данной статье рассмотрено влияние современных глобализационных процессов на конкурентоспособность экономики страны, адаптация к международной конкурентной среде на современном этапе развития мировой экономики, а также вопросы, связанные с инвестиционной политикой государства в сфере повышения конкурентоспособности.

Ключевые слова: глобализация, конкуренция, интеграция, международная миграция, инновационная деятельность, инфраструктура, социальная сфера, экспорт-импорт, инвестиции, рынок.

Abstract. This article examines the impact of modern globalization processes on the competitiveness of the country's economy, adaptation to the international competitive environment at the current stage of development of the world economy, as well as issues related to the state's investment policy in the field of increasing competitiveness.

Key words: globalization, competition, integration, international migration, innovation, infrastructure, social sphere, export-import, investment, market.

Глобаллашув даврида очиқ иқтисодиётга эга мамлакатларнинг ривожланиши халқаро иқтисодий муносабатларнинг турли шаклларидан фойдаланишнинг интенсивлигига боғлиқ бўлиб, халқаро иқтисодий муносабатларнинг ҳар бир йўналиши мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашда алоҳида ўрин эгаллайди. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида халқаро даражадаги рақобат муҳитига мослашиш ва рақобатбардошликни таъминлаш жараёни ҳар бир мамлакат иқтисодиёти олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада мамлакатимиз

иқтисодиёти олдида турган муаммоларни тизимли асосда бартараф этиш муҳим устувор аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагича тўхталиб ўтган эди: «Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда. Биз келгуси йиллар учун амалий режалар тузар эканмиз, халқаро майдондаги ана шундай мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини аниқ-равшан белгилаб олишимиз зарур”. [1]

Юқоридаги ҳолатлар миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг товар ва хизматлар, корхоналар, тармоқлар, ҳудудлар ва мамлакат даражасидаги омилларидан самарали фойдаланишга доир муаммоларни тизимли тартибда ўрганиш тадқиқ этиш масаласини долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг рақобатбардошлик муаммоси, мамлакатнинг стратегик жиҳатларини ишлаб чиқиш учун етарли даражада аниқ англаб етилмаган. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ривожланган мамлакатларнинг макродаражадаги иқтисодий сиёсатининг асосий муаммоси хисобланади. Бунда мамлакатларнинг рақобатбардошлик мезони тизим ривожланишининг макро ва микроиқтисодий даражалари нуқтаи назаридан шаклланади. Агар, биринчи ҳолатда, у мамлакатнинг макроиқтисодий доираси, унинг технологик ва институционал ривожла-нишига тааллуқли бўлса, микроиқтисодий ёндашув нуқтаи назардан эса миллий компанияларнинг фаолияти ва стратегияси ҳамда миллий бизнес-мухит сифати баҳоланади.

Замонавий глобаллашув жараёни аввалги интеграция жараёнларидан маълум қадар фарқ қилади. Энг аввало, бу жуда кўп мамлакатларнинг савдо, молия, инвестиция ва ахборотлар учун ўз чегараларини очишида кўринади. Нафақат ривожланган мамлакатлар, балки ривожланаётган мамлакатлар ҳам ўз иқтисодиётларида умумжаҳон тамойилларига мувофиқ равишда ислоҳотлар ўтказмоқдалар.

Замонавий ахборот технологиялари ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида жисмоний муносабатлар заруриятини камайтирди ва аввал халқаро бозорларда сотишнинг иложи бўлмаган баъзи хизматларни савдо объектига айлантиришга имкон берди. Бунда товар ва хизматлар айланмаси бўйича харажатлар анча қисқарди.

Замонавий дунёда мамлакатларнинг тутган ўрни, бугунги кунда, энг аввало инсон капиталининг сифати, таълим ҳолати ва ишлаб чиқаришда фан ва техникадан фойдаланиш даражаси билан белгиланади. Ишчи кучи ва хом- ашё ресурсларининг сероблиги хозирги кунда рақобат афзаллиги сифатида кўрилмайди, чунки маҳсулот таннархини яратилишида бу омилларнинг улуши

камайиб бормоқда.

Инвестиция жараёнлари ва ҳодисаларининг ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлиги сифатида эътироф этиладиган глобаллашув натижасида, нафақат ўзаро, балки давлат билан тенг асосларда биргаликда харакат қилувчи жахон капитали, халқаро корпорациялар, халқаро инвестиция институтлари, трансмиллий бошқарув тузилмалари босими остида секин-аста миллий давлат суверенитети емирилиб боради. Глобаллашувнинг бу жиҳати мазкур жараённинг ҳозирги замон босқичи учун айниқса хос.

Нафақат ривожланиш даражаси, балки жаҳон хўжалиги ва халқаро меҳнат тақсимотига (ХМТ) жалб этилганлик даражаси бўйича хам турлича бўлган тизимларнинг ўзаро таъсири жаҳон хўжалигининг энг муҳим муаммоси хисобланади. Ҳозирги замон жахон иқтисодиётининг ўзига хос хусусияти - интеграция, бунинг устига умумий, яъни капитал, ишлаб чиқа-риш, меҳнат интеграцияси.

Сўнгги йилларда интеграция янги мамлакат ва минтақаларни қамраб олди ва қуйидаги йўналишлар бўйича ривожланмоқда:

- ишлаб чиқариш кучларининг байналмилаллашуви;
- халқаро меҳнат тақсимотининг байналмилаллашуви;
- моддийлашган товарлар бўйича анъанавий халқаро савдо хусусиятининг сифат ўзгариши ва кўламининг кенгайиши;
- турли мамлакатларда иқтисодий фаолиятнинг чатишиб кетиши ва ўзаро боғлиқлигини таъминловчи молиявий ва ишлаб чиқариш ресурсларининг халқаро миқёсда кўчиб юриши;
- хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши;
- илмий-техник билимлар билан халқаро алмашинув;
- ишчи кучининг халқаро миграцияси;
- замон талабларидаги глобал муаммолар (табиатни мухофаза қилиш, дунё океани, космосни ўзлаштириш, ривожланаётган мамлакатларнинг оч ахолисига ёрдам кўрсатиш ва бошқалар)ни ҳал этишга йўналтирилган халқаро ҳамкорлик.

Интеграция иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича яқин бўлган миллий хўжаликларнинг барқарор иқтисодий муносабатлари ва меҳнат тақсимоти ривожланишининг объектив жараёнидир. Ташқи иқтисодий айирбошлаш ва ишлаб чиқариш соҳасини қамраб олган холда, у миллий хўжаликларнинг зич чатишиб кетиши, минтақавий хўжалик мажмуаларининг яратилишига олиб келади.

Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг зарурияти бозор муносабатлари ривожланишининг замонавий босқичида рақобат курашининг кескинлашуви, асосан хом-ашё экспортига қаратилган стратегияниг жиддий чекланиши орқали юзага келади. Тайёр маҳсулот ва хизматларни халқаро

бозорларга олиб чиқиш жараёни иқтисодиётда жиддий таркибий ўзгартиришларга асосланган инновацион ва илмий-техник омилларни ўзлаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг амалдаги босқичи замонавий бозор муносабатларини шакллантириш орқали глобализацион иқтисодий тизимнинг турли поғоналарида рақобатбардошликнинг юқори даражасини таъминлаш муаммосини долзарблаштиради. Иқтисодиёт ва унинг тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ушбу тармоқларда ишлаб чиқаришни диверсификациялашга олиб келади, пировардида мамлакат, корхона ва маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлиги таъсирида аҳолининг иш билан бандлиги ортади, унинг турмуш даражаси юксалади ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланади. Мамлакатда амал қиладиган иқтисодий тизим ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш омилларидан саамарали фойдаланиш имкониятларини шакллантириш учун хизмат қилади. [2]

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустақил овозига эга бўлган давлат даражасига кўтарилди ва нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Дунёдаги саноати ривожланган етакчи мамлакатлар билан сиёсий-дипломатик, савдоиқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатиб, икки ва кўп томонлама манфаатли алоқаларни тобора ривожлантириб бормоқда. Шундай шароитда мамлакатнинг ташқи иқтисодий салоҳияти табиий ресурсларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш ва илмий-техник потенциалнинг барпо этилиши, инфратузилма, ижтимоий соҳа, маҳсулот ва хизматларнинг мамлакат ташқарисига экспорт қилиниши ёки чет эл фуқароларига, фирма ва ташкилотларга, шу жумладан, мамлакат ичидаги хорижий корхоналар ва қўшма корхоналарга сотилиши билан аниқланади. Мамлакат ташқи иқтисодий салоҳиятини аниқловчи энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажми, шу жумладан, аҳоли жон бошига, ЯИМда товар ва хизматлар экспортининг улуши ҳамда товарлар умумий экспорти ҳажмида саноат товарлари улуши кабилар ҳисобланади. [3]

Статистик маълумотларга кўра, 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси ЯИМи ҳажми жорий нархларда 888 341,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2021 йил билан таққослаганда 5,7 % га ўсди. ЯИМ дефлятор индекси 2021 йилдаги нархларга нисбатан 113,8 % ни ташкил этди. [4] Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)нинг асосий кўрсаткичларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси борасида сўнгги

йилларда амалга оширилаётган экспортни рағбатлантириш, импортни оптималлаштириш ва умуман олганда ташқи савдо мувозанатини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар ижобий натижаларни кўрсатмоқда. Жумладан: 2022 йилда республиканинг ташқи савдо айланмаси 50,0 млрд. АҚШ долларига етди ва 2021 йилга нисбатан 7,8 млрд. АҚШ долларига ёки 18,6 % га ошиши таъминланди. Ушбу натижа мамлакат тарихида энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилди. [4]

Кўпгина ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатлар ташқи савдо алоқаларини янада кенгайтиришга алоҳида аҳамият берадилар. Чунки, ҳар қандай айирбошлашнинг аҳамияти, унинг самарадорлиги билан, шу жумладан, халқаро миқёсда ҳам келишилган битимлардан томонларнинг оладиган самараси билан белгиланади. Яъни, хоҳ товар ва хоҳ хизматлар савдоси бўлсин, айирбошлашдан олинадиган афзалликка ҳар бир қатнашувчи мамлакат эга бўлади ва натижада бутун жаҳон хўжалиги тизими ўзаро манфаатдор бўлади. Мамлакатлар ўртасидаги халқаро айирбошлаш ва халқаро савдонинг ривожланишида глобаллашувнинг аҳамияти тўғрисида гапирадиган бўлсак, мамлакатлар қадим замонлардан буён моддий ноз-неъматларни тайёр маҳсулотлар ва турли хил ресурслар кўринишида ўзаро айирбошлаб келишган, яъни бир-бирлари билан халқаро иқтисодий муносабатларга киришишган. Ўз навбатида, айирбошлашнинг ҳажми ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига ва товар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига боғлиқ бўлган. Чунки, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, бир томондан, мамлакатлар ўртасида хўжалик алоқаларининг кенгайишига имкон яратса, иккинчи томондан, турли хил хомашёлар, материаллар ва бошқа ресурсларга бўлган талабнинг ошиб бориши айирбошлаш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг 204 мамлакати билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. Ташқи савдо айланмасининг нисбатан салмоқли ҳиссаси Россия Федерациясида (18,6 %), ХХРда (17,8 %), Қозоғистонда (9,2 %), Туркияда (6,4 %), Корея Республикасида (4,7 %), Қирғиз Республикаси (2,5 %) ва Германияда (2,3 %) қайд этилган. [5] Бундан ташқари, қўшни давлатлар билан муносабатларнинг мустаҳкамланиши, ушбу мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий, савдо-саноат ва маданий соҳаларда муносабатларни ривожлантириш бўйича катта ишлар олиб борилаётгани қайд этилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш тузилмаларида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида ташқи савдода фақат хомашё воситалари билан қатнашувига барҳам берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 30 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизнинг асосий

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадлари сифатида “Ислоҳотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат” бўлиши, “ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилиши”белгилаб берилган. Ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсишга эришишнинг устувор йўналиши сифатида “аввало, рақобатбардош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилиши” назарда тутилган. [6]

Ўзбекистонда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг инвестицион сиёсат изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва давлат тузилмаларининг инвесторлар билан ишлашдаги масъулиятини ошириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини бошқариш, баланслашган инвестицион сиёсатни шакллантириш, инвестицион фаолликни таъминлаш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 269,9 трлн. сўм инвестиция ўзлаштирилган бўлиб, 2021 йилга нисбатан 100,9 % ни ташкил этди. [6].

Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш – бу нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, айни пайтда – бу аввало янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқарадиган маҳсулотларимизнинг юксак сифатини таъминлашга қаратилган. Энг муҳими, четдан имтиёзли сармояларни олиб кириш – бу пировард натижада мамлакатимизда рақобатга бардошли, кучли иқтисодиётни барпо этиш ва жаҳон бозорида ўз муносиб ўрнимизни эгаллашга қодир бўлиш демакдир. [7].

Юртбошимиз Ўзбекистоннинг экспорт имкониятини кескин ошириш масаласига ёндашар экан, бунинг учун даставвал, қимматли хом ашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарни ривожлантириш, чет эллик шериклар билан замонавий ихчам корхоналар ташкил этиш, уларни биринчи навбатда меҳнат ресурслари ва хом ашё манбаларига, аввалambор, қишлоқ жойларига яқинроқ жойлаштириш зарурлигини уқтириб ўтади.

Айни вақтда, инвестиция сиёсатининг энг устувор йўналиши:

биринчидан - республиканинг экспорт имкониятини ошириш;

иккинчидан - иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш;

учинчидан - инвестицияларни молиялашнинг номарказлашган манбалари ҳажмини ошириш;

тўртинчидан - пухта ишлаб чиқилган ва оқилона юритилаётган инвестиция сиёсатини таъминлашга йўналтирилган. [8].

Юқоридагиларни эътиборга олган холда шуни айтиш мумкинки, ҳар бир мамлакат барқарор халқаро иқтисодий муносабатларни таъминлашга интилади. Чунки, халқаро иқтисодий муносабатлар, биринчидан, халқаро даражада миллий маҳсулот ҳажми ва улардан олинадиган даромаднинг кўпайишини, иккинчидан, бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни, учинчидан, халқаро иқтисодий муносабатларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар нуфузининг ошишига олиб келади ва энг асосийси аҳолининг фаровон яшашини таъминлайди.

Адабиѐтлар рўйхати:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиѐевнинг Олий Мажлисга. Мурожаатномаси*// ―Халқ сўзи‖, *2018 йил 29* декабрь.

2. Майкл Портер. Международная конкуренция. Конкурентные преимущества стран. Издательство-Альпина Паблишер, 2017 г. 947 с.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон ―2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиѐт стратегияси тўғрисида‖ги Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон

4. “Ўзбекистон статистика ахборотномаси “ илмий электрон журнали. 2023й.

5. Иқтисодиѐт ва молия вазирлигининг веб-сайти www.imv.uz

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 30 декабрь № 276 (7778) сони

7. Рақобатбардошликни ривожлантиришда кластер тизимининг аҳамияти. Мақола. Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali. UIF-2023: 8.2 | 2181-3035 | № 27

8. Яхшиева М.Т. Халқаро рақобат сиёсати: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2021. – 262 бет.

СКАРЛАТТИНИНГ СОНАТАЛАРИДА НОТА МАТНИНИНГ ТАЛҚИНИ

Н.М. Мирзажонова
Юнус Раджабий номидаги ЎзММСИ “Композиторлик, бастакорлик ва умумий фортепиано” кафедраси ўқитувчиси

Нота матнининг талқини мусиқачи-ижрочини ўрганишдаги мухим ижодий муаммолардан бири хисобланади. Агар мусиқа асари қадимги даврга таалуқли бўлиб, унинг нотография ёзуви замонавий талқинни талаб қилади ва бунда масала янада мураккаблашади. Бу айниқса И.С. Бах, Г.Ф. Гендел, Г.Т. Муффат, Г. Персел ва бошқаларнинг клавир асарлари учун таалуқли. Уларнинг сафига Доминико Скарлаттини ҳам киритиш мумкин. Унинг клавир сонаталари турли нашриётларда чиқарилган ва кўп асрлар давомида асарларининг асосий матни ўзгаришига олиб келган. Бунга А. Лонго, Р. Киркпатрик, А.Б. Гольденвейзер, А.Б. Шацкес, Г. Келлер нашриётлари киради. Уларни таҳлил қилиб мвхсус ўрганиб чиқиш зарур. Мазкур ишимизда устозим кўрсатмалари ва ўзимнинг Скарлатти сонаталрини ўрганишдаги малакамга асосланиб А. Лонго редакциясидан фойдаландик.

Замонавий ижрочи томонидан Скарлатти сонаталарида кўриб чиқувчи асосий масалалар – улардаги динамика ва артикуляция (штрихлар). Хозирги ижро жараёнинг динамик харакатини аниқлашда апликатура ва педаллаштириш, динамик ифода воситаларининг ишлатилиш масалалари ўртага ташланади. Скарлатти сонаталаридаши forte ва piano динамик воситаларининг вазифасини хозирги кундаги ижро санъатининг эстетик ва бадиий талабларидан келиб чиққан холда тушунтириш лозим. Шундан келиб чиқиб нота матнига мурожат қилганда темп, артикуляция, фразировка, динамика, орнаментика ва педализация каби алохида ижро воситаларига тўхталиб ўтиш керак.

Қўлёзмалардан тузилган сонаталар каталогига кўра Скарлатти сонаталаридаги темплар муаллиф томонидан белгиланган. Замонавий метроритмик ўлчовларга кўра асарлардаги темпни ижрочининг ўзи ўзгартириши мумкин.

Артикуляция ва фразировкани нашриётчининг ўзи ишлаб чиқади, ва уларни ишлатишга алохида ёндашувни талаб қилади. Баъзи мисолларда ўнолтиталик товушлар устидаги лига белгиси товушларни чўзимини эмас, балки иборалар давомийлигини кўрсатади. Скарлатти клавир сонаталари фактураси ритмик суръатининг аниқлиги ва ифодавийлиги турли метрик даражалар ва артикуляция усулларини қўлланиши билан боғлиқ: legato-stacctto. “Фортепино чолғуси, – деб таъкидлайди И.А. Браудо, – ижрочининг турли физик харакатларининг таъсирини ифодаловчи чолғу хисобланади. Фортепиано

клавиатураларини имкониятлар денгизига қиёслаш мумкин”[36]. Хақиқатдан ҳам фортепиано ва клавесин чолғуларини солиштирганда – у умуман бошқа тузилиш ва бошқа олам, шунинг учун ҳам ижрочининг клавесинга нисбатан фортепиано чолғусига бўлган муносабати ўзгача. Хозирги замаонавий фортепиано чолғуси клавишли чолғуларнинг динамик имкониятларини кенгайтиради. Клавесин образи фортепиано имкониятларининг кенг доираси ичида қолади. Ана шу имкониятлар ичидан ижрочи муҳим қонуниятларни билиши, Скарлатти мусиқасига хос хусусиятларни топа олиши, ҳамда замонавий фортепианонинг имкониятларидан кенг фойдаланиб унинг сонаталаридаги ўзига хос услубни сақлаб қолган холда хозирги замонавий тингловчиларга еткизиб бера олиши керак.

Артикуляция фақатгина метрик асоснинг аниқлиги кўрсатиш учун хизмат қилмайди. “Товушлар ва хатто артикуляция воситаларининг ўзлари ҳам аниқ метрик қисқартиришларга дуч келмайди” – деб ёзади И. Браудо[37]. Товушларнинг қисқариши бўлиниш хусусиятини хосил қилади. Масалан, товуш қисқариши мисолига стаккатони айтиб ўтиш мумкин. Стаккатонинг турли ижро этиш қонуниятлари мавжуд. Олим И. Браудо боғланиш ва бўлинишларнинг қуйидаги даражаларини ишлаб чиқди:

Боғланиш	1. Акустик легато ёки легаттисимо
	2. Легато
	3. Қуруқ легато
Бўлиниш	4. Чуқур нон легато
	5. Нон легато
	6. Метрик белгиланган нон легато (янграган товушлар чўзими паузалар чўзимига тенг)
Қисқариш	7. Юмшоқ стаккато
	8. Стаккато
	9. Staccatissimo (энг қисқа стаккато)

[36] Браудо И. Об органной и клавирной музыке. – Л., 1976. – 62 с.
[37] Браудо И. Артикуляция (О произношении мелоди). – Л., 1973. – 8 с.

Узун мусиқада артикуляция воситаларини ишлатиш – бу ижро жараёнида махоратли ижрочи томонидан турли баён этиш имкониятларини билиши ва уларни эркинлик балан ишлата олишидир.

Скарлатти сонаталари ижросида пианист нон легатонинг турларини қўллаши мумкин. Маълумки нон легато легатога қарама-қарши бўлиб, бу таққаослаш доирасидан ташқарига чиқиш мақсадида, унинг артикуляция имкониятларини кўриб чиқиш зарур.

Артикуляцион воситаларининг биринчи тури: нота устида нуқта билан белгиланган, затактдаги саккизталикларни жуда қисқа ва актив стаккатолаш.

Иккинчи тури: лига остида жойлашган ўнолтиталикларнинг сўнгги нотасини юмшоқ ижро этиш. Бу юмшоқ ижро лиганинг тўгалланганлигини билдиради.

Учинчи тури: фанфар юришларни ифодаловчи саккизталикларнинг нон легатоси. Ушбу нон легато нота устида горизонтал чизиқча билан белгиланади. Ушбу артикуляция турлари икки йўл билан ўзгартирилиши, яъни варьирланиши мумкин. Биринчидан, йириклашкан ёки чўзилган, иккинчидан қисқарган холда. Лекин артикуляцион усулларнинг қўллаш имконияти хар қандай турдаги усуллардан фойдаланиш имконини бермайди. Бундай турли усулларнинг баъзилари фақаткина инвариант бўлиб қолади ва амалиётда қўлланилмайди. Албатта мазкур артикуляцион воситалар куй мазмунидан келиб чиққан холда ижро этилади.

Артикуляциялашда энг асосийси ибораларни бўлинишини, затактларни тўғрибелгилаб олиш зарур. Бу эса ритмика билан чамбарчас боғлиқ. “Ритмика ва артикуляция, – деб таъкидлайди И. Браудо, – жараённинг биринчи қадамлариданоқ бир-бирига боғлиқ. Чунки хар қандай ритмик тузулма албатта артикуляцияланади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки артикуляция ритмикасиз бўлганидек, ритмика ҳам артикуляциясиз мавжуд эмас”.

Артикуляция вазафалари турлича бўлиб, Скарлатти сонаталари ижросида бирор товуш эффектини чиқариб бериш учун ижрочи артикуляциянинг турли усулларини қўллаши мумкин. Унинг қуйидаги турлари мавжуд:

- Акустик;
- Динамик;
- Ритмик;
- Ифодавий декламацион.

Артикуляциянинг акустик вазифаси ижрочига аудиториянинг акустик хусусиятларидан келиб чиққан холда ижро имкониятларини бойтишга хизмат қилади.

Динамик вазифаси – матнда белгилан қисмадига товушларнинг динамик вазифасини ёрқин ва ифодали янграшига ёрдам беради. Масалан, маълум бир

қисмда товушларнинг баланд ижро этиш, товушлар орасидаги масофани қисқартиришга ва аксинча, баъзи қисмларда товушлар орасидаги масофани кенгайтирган холда уларнинг паст янграшини таъминлайди. Бу товуш янграшларининг кенгайтирилиши ёки қисқартирилиши товуш янграшларининг баландроқ ва пастроқ ижроси билан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб артикуляциянинг иккиламчи динамик вазифасини белгилаш мумкин. тонларнинг аста-секин кучайтирилишт ва пастлаши crescendo ва diminuendo таасуротини хосил қилади. Агар артикуяцион баландлашишни қисқа тўлқинларда бажарса қисқа crescendo янграйди. Скарлатти сонаталаридаги кичик пассажлар ижросида ритмик артикуляция рельеф йўналишида намоён бўлади. Худди тонлар бир-бирини тўлдирибартикуляция йиғилмалари хосил бўлади.

Артикуляция ва динамика маълум штрих усули билан бир-бирига боғлиқ бўлиши мумкин. Бирор бир динамикани хосил қилиш учун маълум штрих, ва албатта бирор артикуляцион восита керак бўлади. Артикуляциянинг ритмик вазафаси акцентлаш билан боғлиқ. Агар паузалардан кейин келадиган тон акцентли хисобланса, мана шу кучли акцентдан олдин келадиган паузаларнинг ахамияти албатта инобатга олиниши керак.

Ифодавий декламацион вазифаси асардаги мухим вазиятлар, тўхташлар, маълум бир фикр характери, турли ўтишларни ифодалашга хизмат қилади. Артикуляцион усулларни ўрганиш эшитиш қобилиятини тарбиялайди, мантиқий тафаккурни ривожлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Браудо И. Об органной и клавирной музыке. – Л., 1976. – 62 с.
2. Браудо И. Артикуляция (О произношении мелоди). – Л., 1973. – 8 с.
3. Юсупова О. Сонаты Доменико Скарлатти в классе специального фортепиано // Гармонично развитое поколение – условие стабильного развития Республики Узбекистан. Сборник научно-методических статей. Выпуск 4. – Ташкент, 2016. – 199-202 с.

ADOLF SAKS VA UNING MASHHURLIGI O‘ZIGA NASIB ETMAGAN BUYUK KASHFIYOTI

Olimov Mo‘minjon Ne’matjon o‘g‘li
O‘zDK huzuridagi Botir Zokirov nomidagi Milliy Estrada san’ati instituti “Estrada cholg‘ulari ijrochiligi” kafedrasi o‘qituvchisi

Annotatsiya. Tarixda ko‘plab shaxslar borki, ular nafaqat o‘zining millati yoki davlati uchun, balki butun dunyo aholisiga ilmiy izlanishlari bilan ulkan xazina qoldirgan. Isaak Nyuton (fizik, matematik, mexanik va astronom), Uilyam Shekspir (shoir va dramaturg), Iogan Sebastyan Bax (kompozitor), Mirzo Ulug‘bek (astronom), Ibn Sino (tibbiyot otasi) kabi ko‘plab shaxslarni sanab o‘tishimiz mumkin.

Ushbu insonlar orasida yana bir shaxs borki, u jahon musiqa san’atiga o‘zining kashfiyoti bilan katta yangilik olib kirgan va ulkan hazina qoldirgan. Bu inson cholg‘u ustasi va musiqachi Adolf Saksdir. Ushbu kashfiyotchi qanday ishlarni amalga oshirgan va nima uchun uning hayoti va ijodini o‘rganish zarur? Ushbu savollarga quyidagi maqola orqali javob berishga harakat qilindi.

Kalit so‘zlar: musiqa, kashfiyot, saksafon, Adolf Saks, Berlioz, hayoti, ijodi, damli cholg‘u, usta, sozanda.

Аннотация. В истории немало личностей, которые своими научными исследованиями оставили огромное сокровище не только для своего народа или страны, но и для народов всего мира. Мы можем перечислить многих людей, таких как Исаак Ньютон (физик, математик, механик и астроном), Уильям Шекспир (поэт и драматург), Иоганн Себастьян Бах (композитор), Мирзо Улугбек (астроном), Ибн Сина (отец медицины).

Среди этих людей есть еще один человек, который своим открытием принес великую новость в мировое музыкальное искусство и оставил огромное сокровище. Этот человек – мастер инструментов и музыкант Адольф Сакс. Какую работу проделал этот изобретатель и почему необходимо изучать его жизнь и деятельность? На эти вопросы была предпринята попытка ответить в следующей статье.

Ключевые слова: музыка, открытие, саксофон, Адольф Сакс, Берлиоз, жизнь, творчество, музыкальный инструмент, мастер, музыкант.

Annotation. There are many personalities in history who, with their scientific research, left a huge treasure not only for their people or country, but also for the peoples of the whole world. We can list many people such as Isaac Newton (physicist, mathematician, mechanic and astronomer), William Shakespeare (poet and playwright), Johann Sebastian Bach (composer), Mirzo Ulugbek (astronomer), Ibn Sina (father of medicine).

Among these people there is another person who, with his discovery, brought great news to the world of musical art and left a huge treasure. This man is the instrument maker and musician Adolphe Sax. What work did this inventor do and why is it necessary to study his life and work? An attempt was made to answer these questions in the following article.

Key words: music, discovery, saxophone, Adolf Sax, Berlioz, life, creativity, musical instrument, master, musician.

Bu inson borasida ko‘plab ilmiy maqolalar, monografiyalar yozilgan bo‘lsada, oddiy xalq yoki bugungi kundagi yoshlarimiz orasida uning ismi mashhur emas. Lekin, uning tarixda qoldirgan ulkan kashfiyoti hozirga qadar dunyo ahliga ma’naviy ozuqa berishda davom etmoqda.

Adolf (Antuan Jozef) Saks Belgiyaning Dinan shahrida yashab ijod qilgan, damli cholg‘ular ustasi Sharl Jozef Saks oilasida 1814 yilning 6 noyabrida tavallud topdi. Otasining yordamchisi va shogirdi sifatida yosh Adolf ham ustachilik bilan shug‘ullana boshladi. U usta bo‘lishi bilan birga musiqadan ham saboq oldi va o‘zi hamda otasi yasagan yoki takomillashtirgan cholg‘ularni ijro eta boshladi. 16 yoshida fil suyagidan yasagan fleyta cholg‘usini Bryusselda bo‘lib o‘tgan musiqali ko‘rgazmada namoyish etdi. Shuningdek, pianino sozlash jarayoni va ovozni aks ettirish ekrani kabi o‘ziga tegishli uslub va kashfiyotlarni ham namoish etdi.



A.Saks musiqadan saboq olishni 1828 yildan Bryusseldagi Qirollik musiqa maktabida fleyta hamda klarnet sinflaridan saboq olishdan boshladi. Maktabni tugatib cholg‘ularning yangi turlarini yaratish bo‘yicha tajribalar ustida ishlay boshladi. Uning ilk tajribalari klarnet cholg‘usi ustida bo‘lib, 20 yoshga yetganida 24 ta klapanli klarnet cholg‘usini yaratdi. Undan so‘ng bas klarnet yaratib, 1835 yilda Bryussel ishlab chiqarish ko‘rgazmasida taqdim etdi. Ushbu cholg‘u Parij opera teatrining direktori Fransua Antuan Xabanek tomonidan yuqori baholandi va ushbu ko‘rgazmada yosh Adolf fahriy yorliq bilan taqdirlandi. 1840 yilda ushbu cholg‘u uchun patent oldi.

1836 yilda Saks o‘zi ixtiro qilgan yangi turdagi cholg‘usini namoyish etish uchun Belgiyadan Fransiyaga ko‘chib o‘tdi. Olti yildan so‘ng u Parij shahrida o‘zining damli cholg‘ular fabrikasini ochdi va Adolf Saks kashfiyotchi hamda loyihachi sifatida xalq orasida mashhur bo‘ldi. U ko‘plab cholg‘ularni takomillashtirdi va harbiy damli cholg‘ular orkestri uchun cholg‘ular oilasini yaratdi. [3. 69-b]

Lekin, saksafon cholg‘usining yaratganligi uning jahon miqyosida mashhur bo‘lishiga olib keldi. Usta klarnet cholg‘usining yog‘ochli asosini metalga almashtirdi,

yanada qulayroq mundshtuk qadadi, uzunligini yanada kengaytirdi va goboy hamda fleyta applikaturasi zamonaviylashtirdi.

1842 yilda mashhur Parijdagi musiqa olamida o‘zining katta o‘rni hamda hurmatiga ega kompozitor va musiqa tanqidchisi Gektor Berlioz bilan tanishdi. Ushbu tanishuv Saks uchun samarali ishlarni boshlashi uchun ilk qadam edi. Berlioz Saks kashfiyoti va uni hayotga tadbiq etish uchun homiylar topishda katta yordam berdi.

1846 yilning 23 iyunida Adolf Saks № 3226 son bilan saksafon cholg‘usi uchun patentni qo‘lga kiritdi. U patent olishdan oldin "firibgarlik va qalbakilashtirish"da ayblangan va sudda yutkazgan. Usha paytdan saqlab qolingan sud qarorida “saksafon deb nomlangan cholg‘u mavjud emas va bo‘lishi ham mumkin emas” degan yozuvlar bor. [1. 66-b]

Adolf Saks o‘zining ushbu kashfiyotini “mundshtukli ofikleyid” deb atadi. Uning do‘sti Gektor Berlioz esa ushbu cholg‘uni uning ixtirochisi Adolf Saks nomiga “saksafon” deb nomladi va dunyoga ushbu nom bilan mashhur bo‘ldi. Ushbu cholg‘uni xalq orasiga kirib borishida Berlioz katta rol o‘ynadi. Saks va Berlioz orasida mustahkam do‘stlik aloqalari shakllandi. Berliozning 1842 yilda nashr etilgan maqolasida shunday yozadi: “Menimcha, yangi cholg‘uning asosiy afzalligi – o‘ziga xos urg‘usining hilma-xilligida, ba’zan jiddiy, vazmin, ba’zan ehtirosli, xayolparast va g‘amgin, ba’zan esa noaniq, allaqachon yangragan aks-sadoning zaif aksi kabi. Shuningdek, ushbu cholg‘u sadosida daraxt uchidagi shamolning noaniq shikoyati, uzoq vaqt oldin urilgan qo‘ng‘iroqning mistik tebranishi kabi hissiyotni eshitish mumkin. Bunday hissiyotlarni baxsh etadigan saksafondan boshqa hech qanday cholg‘u yo‘qdir.”[2. 35-b] Berliozning Saksga atab yozgan ushbu jumlalari, cholg‘u ustasi uchun juda katta eshiklarni ochdi. U musiqa olamining yirik namoyondalari bilan yanada yaqindan tanishdi va o‘z ustaxonasida ular bilan uchrashuv hamda suhbatlar o‘tkazdi.

Saksning kashfiyotlari faqat saksofon yaratish bilan chegaralanib qolmadi. Uning yana bir maqsadi cholg‘uning chalish imkoniyatlari va registrini yanada kengaytirib, orkestr cholg‘ulari tarkibiga qo‘shish edi.



1843 yili oltiklapanli valtorna cholg‘usiga (saksagorn), 1945 yilda esa yetti klapanli valtorna (sakstromb) cholg‘ulariga patent oldi. 1849 yilda butun boshli saksafon cholg‘usi oilasi uchun (sakstub) patent oldi. [5. 1-b.]

1857 yil Parij konservatoriyasida ishlab yurgan chog‘larida, o‘zi kashf etgan barcha cholg‘ularni o‘rganish bo‘yicha o‘quv qo‘llanma nashr ettirdi. Cholg‘ularni takomillashtirishda davom etib 1866 yilda


yanada zamonaviy ko‘rinishdagi saksafon uchun № 70894 raqamli patentni qo‘lga kiritdi. Shu zaylda Adolf Saks 46 ta ixtirosi uchun patent oldi.



Saksafonning bu qadar rivojlanib, xalq orasida ommalashib borayotgani ba’zi cholg‘u ustalarida Saksga nisbatan hasad uyg‘otdi. “Unga nisbatan adolatsiz raqobat va bosimlar boshlandi. Adolf Saks ushbu adolatsizlik va ko‘pchilikning ko‘pligiga dosh bera olmadi. Uning musiqa fabrikasi kasodga uchradi va to‘plagan boyligi o‘zini hamda kashf etgan cholg‘ularini oqlash uchun sarf etdi.” [4. 56-b] Afsuski barchasi befoyda ketdi, sog‘ligini yo‘qotdi va u umrining ohirida qashshoqlikda yashab 80 yoshida vafot etdi. Parijning Monmart qabristoniga dafn etildi. U kashfiyoti saksafonni millionlarning sevimli cholg‘usiga aylantirgan jaz davriga qadar yashamadi.

U oilali bo‘lgan, rafiqasi Luiza-Adel Maor 30 yoshida vafot etgan. Lekin ularning 5 nafar farzandi bo‘lgan. A.Saks vafotidan so‘ng uning ishini o‘g‘illaridan biri, 1888 yildan Parij opera teatrining damli cholg‘ular orkestriga rahbarlik qilgan Adolf-Eduard (1859–1945) davom ettirdi.

1929 yilda A.Saksning fabrikasini SELMER nomidagi Parijdagi firma sotib oldi va shu orqali ushbu firma asoschisi Anri Zelmer saksafon kashfiyotchisi ishlarining davomchisiga aylandi. Ushbu ishlarning davomchisi sifatida A.Saksning xotirasi uchun, kashfiyotchi yashab o‘tgan Dinan shaharchasiga ulkan saksafonning haykalini o‘rnatdi.



- 1994 yildan kashfiyotchining xotirasiga bag‘ishlab saksafonchilarning Xalqaro tanlovi bo‘lib o‘tadi. Ushbu tanlov Saks yashab o‘tgan Danon (Belgiya) shahrida bo‘lib, jahondagi eng obro‘li tanlovlardan biri hisoblanadi.

- Belgiyaning yevroga qadar milliy valyutasining 200 talik yaxlit pulida Adolf Saksning milliy qahramon sifatida ramzi tushirilgan.

- A.Saksning 200 yilligiga bag‘ishlab, Belgiyada 50 yevrolik 1000 ta oltin tanga muomalaga chiqarilgan.

- Dinan shahrida Adolf Saks tomonidan yaratilgan saksafonlarning muzeyi tashkil etilgan. Muzey yonida kashfiyotchiga atab yodgorlik haykali o‘rnatilgan. Haykalga qarab hayotning adolatsizligi borasida o‘ylab o‘tirganligini bemalo uqib olish mumkin.

Adabiyotlar:

1. Ван Боцянь “Академизация” саксофона: генезис, основные вехи и актуальные тендеции. (научная статья), журнал Philarmonica Academic music journal. М., 2021 г. № 6.

2. Туманов А.Р. “Саксафон в классике и джазе.” (научная статья), М., журнал “Юный ученый”, 2023 г., № 3.

3. Большая советская энциклопедия / под ред. А.М.Прохоров. 3-е изд. М., “Советская энциклопедия”. 1969 г.

4. A.Nazaryan, N.Norxo‘jaev “Estrada cholg‘u ijrochiligi (saksofon)”. O‘quv qo‘llanma. T., “Zilol buloq” nashriyot. 2021 yil

5. Сергей Летов: “Саксофон – самый молодой музыкальный инструмент”. Статья. www.rusnewsday.ru

MUNDARIJA / TABLE OF CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

1.	XOJA AHMAD YASAVİY TA’LİMOTI HAQİDA YOZILGAN QISQA BİR RISOLA Shogofa Ozgur	4
2.	THE IMPORTANCE AND THE IMPACT OF CONSUMER’S BUYING BEHAVIOUR Khotamova Aziza Shovkat qizi Khotamova Aziza Shovkat qizi	10
3.	NORAVSHAN TO‘PLAMLAR NAZARIYASI YORDAMIDA DIFFERENSIAL TENGLAMALARNI SONLI YECHISH Mo‘minov S.Y. Abduraxmanov A.A	17
4.	ГЕНДЕР ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎСМИР ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ИЖТИМОИЙ РОЛЛАРНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ ЙЎЛЛАРИ Йолдашов Жавлонбек Дилшод ўғли, Ибрагимов Шерзод Шавкатович	27
5.	MAMLAKATIMIZ MUSIQA SAN’ATIDA CHOLG’U ANSAMBLLARINING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI Muborak Gadoyeva	33
6.	“QOBUSNOMA” ASARIDA FARZAND TARBIYASIGA OID MUHIM AXLOQIY-ME’YORIY QARASHLAR Nabiyev Muhammadali	39
7.	SOHAGA OID TERMINLARNING O‘ZBEK TILSHUNOSLIGIDAGI TADQIQI Kurbanova Go’zal Abduraximovna	46
8.	TALABA YOSHLARNING OILAVIY MUNOSABATLAR TO‘G‘RISIDAGI TASAVVURLARINING OILA MUSTAHKAMLIGIGA TA’SIRI Axmedov Baxtiyor Tursunovich	50
9.	JINOIY DAROMADLARNI LEGALLASHTIRISH BILAN BOG’LIQ JINOYATLARNI OCHISH VA TERGOVNI TASHKIL ETISH MASALALARI Raximov Nodirbek Mutalliyevich	53
10.	ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИЛИШИ ХУСУСИДА Раҳмонали Ҳасанов	61
11.	ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ВИЛОЯТЛАРИ ДЕМОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРИ Элёр Абдуллажонович Раҳмонов	69
12.	ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ Ражабова Н.Н.	77
13.	РАҚОБАТБАРДОШЛИККА ЭРИШИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ Яхшиева Мавлуда Турсуновна	83
14.	СКАРЛАТТИНИНГ СОНАТАЛАРИДА НОТА МАТНИНИНГ ТАЛҚИНИ Н.М. Мирзажонова	90
15.	ADOLF SAKS VA UNING MASHHURLIGI O‘ZIGA NASIB ETMAGAN BUYUK KASHFIYOTI Olimov Mo‘minjon Ne’matjon o‘g‘li	94

Eslatma! “Talqin va tadqiqotlar” ilmiy-uslubiy jurnaliga kiritilgan maqolalardagi raqamlar, ma’lumotlar haqqoniyligiga va keltirilgan iqtiboslar to‘g‘riligiga mualliflar shaxsan javobgardirlar.

Bosh muharrir

Abdumannonov Islomjon Ikromjon o‘g‘li

Mas’ul muharrir

Isroilov Ozodbek Saydullajon o‘g‘li

Nashrga tayyorlovchi

Abdullayev Ravshanjon Inomjon o‘g‘li

“Talqin va tadqiqotlar” ilmiy-uslubiy jurnali, 2023-yil. 100 bet.
© Talqin va tadqiqotlar,
© Mualliflar jamoasi.